# O'zbekiston ovozi

№ 11
2020-yil, 18-fevral
Seshanba (32.605)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta
1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Улуглардан улугимсан, Ватаним!


*2025 йилгача мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти ҳажмини 100 миллиард доллар, йиллик экспортни 30 миллиард долларга етказиш мақсад қилинган.*

## ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ВА РУХСАТНОМАЛАР БЕРИШ ТАРТИБИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 17 февраль куни тадбиркорлик фаолиятида лицензиялаш ва рухсатномалар бериш тартибини тубдан такомиллаштириш бўйича устувор вазифаларга бағишланган йиғилиш ўтказди.**

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга яқинда йўллаган Мурожаатномасида тадбиркорлик фаолиятида лицензиялаш тартибини қайта кўриб чиқиш ва яхшилаш юзасидан аниқ вазифаларни белгилаб берган эди.

Илғор хорижий тажриба асосида лицензия ва рухсатномалар турини қисқартириш, уларни бериш тартибини соддалаштириш ва тегишли талаблар бажарилишини мониторинг қилишнинг ошкора механизмларини ишлаб чиқиш бугунги кун талабидир.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш мақсадида Адлия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ва Бизнес-омбудсман таркибида махсус Ишчи гуруҳ тузилган.

Йиғилишда Президент Шавкат Мирзиёев мазкур Ишчи гуруҳ ишини ташкил этишдаги асосий йўналишларни белгилаб берди.

*Давоми 2-бетда.* ►

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТУРКИЯГА ТАШРИФИГА ДОИР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғаннинг таклифига биноан 19-20 февраль кунлари ушбу мамлакатда бўлади.**

Ташриф дастурига мувофиқ, Анқара шаҳрида олий даражадаги музокаралар ҳамда Ўзбекистон ва Туркия Президентлари ҳамраислигида икки томонлама Стратегик ҳамкорлик кенгашининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтади.

Сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий, транспорт-коммуникация, таълим, маданий-гуманитар ва бошқа устувор йўналишларда ҳамкорликнинг ҳолати ва истиқболлари кўриб чиқилади. Шунингдек, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар бўйича фикр алмашилади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Туркиянинг етакчи компаниялари раҳбарлари билан учрашади, Туркия Республикаси Президенти кутубхонаси мажмуасининг тантанали очилиш маросимида иштирок этади.

**ЎзА**



## ОМБУДСМАН АХБОРОТ БЕРДИ

***Кеча парламент қуйи палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракция аъзолари, вазирлик, ташкилотлар вакиллари, экспертлар, маҳаллий Кенгаш депутатлари, партия масъуллари иштирок этди.***

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИГА МИННАТДОРЛИК

**Хитой халқига ҳамдардлик ва кўрсатилган ёрдам учун Ўзбекистон Президентига миннатдорлик билдирилди**

Хитой халқига билдирилган ҳамдардлик ва кўрсатилган ёрдам учун Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга миннатдорлик мактуби йўллади. Унда шундай дейилади:

"Муҳтарам Президент Жаноблари!

Хитойнинг коронавирус тарқалишига қарши олиб бораётган кураши муносабати билан йўллаган ҳамдардлигингиз учун Сизга самимий миннатдорлик билдираман.

Қаерда кулфат юз берса, ҳар томондан ёрдамга шошиладилар, деганларидек, дунё ҳамжамияти, жумладан, Ўзбекистон Хитой ҳукумати ва халқи билан ҳамдард эканини билдирди ва турли кўринишда қўллаб-қувватлади. Бу бизга нисбатан дўстлик муносабатларини тўлиқ намоён этди.

Хитой эпидемияни бартараф қилиш ҳамда назоратга олиш борасида муваффақиятга эришишига ишончи комил ва бунга қодир. Шунингдек, бутун дунёда соғлиқни сақлаш ишига ҳисса қўшиш йўлида халқаро ҳамжамият билан ҳамкорликда ишлашга тайёр.

Мен Хитой ва Ўзбекистон муносабатларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келмоқдаман ҳамда Сиз билан бундан кейин ҳам яқин мулоқотни давом эттиришга тайёрман.

Сизга мустаҳкам соғлик, фаолиятингизда муваффақиятлар, дўст Ўзбекистон халқига эса равнақ ва фаровонлик тилайман.

**Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин".**

**ЎзА**

## «ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТУРК ДУНЁСИ ОЛДИДАГИ МИСЛСИЗ ВА ТАРИХИЙ ХИЗМАТЛАРИ ТАН ОЛИНИШИ БИЛАН МУБОРАКБОД ЭТАМАН»



**Жўлибой ЭЛТАЗАРОВ, Самарқанд давлат университети филология факультети декани, турколог-олим:**

— Президент Шавкат Мирзиёев томонидан амалга оширилаётган туб ислоҳотлар халқаро доира вакиллари, экспертлар, сиёсий институтлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимларининг диққат-эътиборини тортмоқда. Дунёдаги турли сиёсий арбоблар, молия-инвестиция доиралари, ҳуқуқ ҳимоячилари ва халқаро ташкилотлар узоқ йиллар давомида "зулмкор тузум, абгор иқтисод ва ёпиқлик билан ном чиқарган" мамлакатда амалга оширилаётган ортга қайтмас демократик ислоҳотларнинг Ўзбекистон, минтақа ва дунё учун катта аҳамиятга эга эканлигини эътироф этмоқда. Ўзбекистонда юритилаётган очиқлик, либерал иқтисодий сиёсатнинг минтақада ва жаҳонда бераётган акс-садоси ҳам эътиборга моликдир: халқимиз қатори дунё жамоатчилигини ҳам ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг қийинчилик билан бораётгани, ўтиш даврига хос муаммоларнинг тўсиқ бўлишига қарамай, ислоҳотлар мамлакатимиз раҳбари томонидан собитқадамлик билан давом эттирилаётгани, бу ўлканинг ижтимоий ҳаёти ва халқаро муносабатларга янгича руҳ ва жўшқинлик бахш этаётганлиги мамнун этмоқда.

Британияда чиқадиган нуфузли The Economist ҳафталиги томонидан 2019 йил якунларига кўра, дунёдаги 200 дан зиёд мамлакатлар орасидан Ўзбекистон "йил мамлакати" деб тан олинди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг изчил демократик сиёсий ва иқтисодий ҳамда ташқи сиёсати Туркий дунёда ҳам ўз эътирофини топмоқда. 2020 йилнинг бошида турк матбуоти Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев «Турк дунёсини тиклаш учун қўшган улкан ҳиссаси учун» халқаро мукофоти билан тақдирланганини маълум қилди. Ушбу мукофот Турк дунёси ёзувчилари, зиёлилари ва санъат арбоблари жамғармаси TÜRKSAV (Türk Dünyası Yazarlar ve Sanatçılar Vakfı) томонидан таъсис этилган. Ҳар йили бир марта бериладиган ушбу халқаро мукофот ҳайъатининг қарори Ўзбекистон раҳбарининг "мамлакатнинг ташқи дунё, Туркия ва Марказий Осиё давлатлари билан сиёсий ва иқтисодий алоқаларини изчил мустаҳкамлашдаги беқиёс хизматлари ва амалий ҳиссаси, шунингдек, Туркий кенгашдаги ҳамкорликни сезиларли даражада жонлантиргани, ушбу ташкилот доирасидаги янги ташаббуслар, шу жумладан, 2020 йилда Хива шаҳрини "Турк дунёсининг маданий пойтахти" деб эълон қилиш бўйича ташаббуси" учун бир овоздан қабул қилингани маълум қилинди.

Ўзбекистон Президентининг ушбу нуфузли мукофот билан тақдирланиши ҳақида TÜRKSAV'нинг Анқарадаги махсус анжуманида эълон қилинди. Анжуман иштирокчилари Ўзбекистонда барча соҳаларда Шавкат Мирзиёев бошчилигида амалга оширилаётган ислоҳотларни юқори баҳолашган. Шунингдек, Ўзбекистон Президентининг жадал ислоҳотчилик фаолияти, унинг нафақат Ўзбекистон ва унинг халқи, балки бутун Марказий Осиёнинг фаровонлиги учун қулай ташқи ва ички шароитларни шакллантиришда ўз аксини топаётган шахсий сифатлари таъкидлаб ўтилган. TÜRKSAV раҳбари, турк ёзувчиси Яҳё Энгин барча иштирокчилар олдида «Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Турк дунёси олдидаги мислсиз ва тарихий хизматларини тан олиниши билан муборакбод этаман», деб таъкидлади.

**Ушбу нуфузли мукофотга Туркия Президенти Сулаймон Демирел, Озарбайжон Президенти Ҳайдар Алиев, Қозоғистоннинг биринчи президенти Нурсултон Назарбоев ва Турк дунёсининг бошқа давлатлари сиёсатчилари ва энг нуфузли кишилари сазовор бўлишган.**

Дарвоқе, қардош Туркия Республикаси жамоатчилиги ватанимиз мустақиллигининг биринчи кунларидан бошлаб Ўзбекистонда юз берган ижтимоий-сиёсий жараёнларни диққат билан кузатиб келади. Турк матбуоти, телевидениеси, радиосининг, Интернет-нашрларида кун йўқки, мамлакатимиз ва унинг ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётидаги ўзгаришлар хусусида хабар, таҳлилий мақола, телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар эълон қилинмаган бўлсин. Айниқса, кейинги уч йилда Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислоҳотлар турк жамоатчилигининг узлуксиз эътиборини тортмоқда.

Маълумки, Туркия Республикаси Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини биринчи бўлиб тан олган давлатдир. 1996 йилда мамлакатларимиз ўртасида Абадий дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланган. Халқларимиз кўп асрлик тарихи, тили, дини, қадриятлари ва муштарак урф-одатлари билан бир-бирига чамбарчас боғланган. Давлатларимиз ўртасида ўзаро ишонч асосидаги дўстона муносабатлар бугунги кунда изчил мустаҳкамланиб бормоқда. Хусусан, турк жамоатчилигини мамлакатимизнинг 2019 йил октябрда "Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши"га аъзо бўлиб кириши жуда мамнун қилди.

Мамлакатимизнинг ушбу обрўли халқаро ташкилотга аъзо бўлиб кириши сунъий тўсиқлар туфайли ўн йилга кечиккан бўлса-да, Президентимизнинг ташаббуси билан бу халқаро ташкилотга аъзо бўлишнинг сиёсий ва ҳуқуқий томонлари синчиклаб ўрганилди ва у Ўзбекистоннинг миллий манфаатлари ҳамда тинчликпарвар халқаро сиёсатига уйғун келиши тўғрисида хулосага келинди ҳамда "Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашини тузиш тўғрисидаги Нахичеван Битимини ратификация қилиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни 2019 йил 14 сентябрь куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан имзоланди.

Давлатимиз раҳбари алоҳида эътироф этганидек, Турк Кенгашига аъзо бўлган қардош давлатлар долзарб халқаро ва минтақавий масалаларда ўзаро мос ёки яқин қараш ва ёндашувларга амал қилиб келмоқда. Айни вақтда халқларимизнинг ҳаётий манфаатларига тўла жавоб берадиган иқтисодиёт, инвестиция, инновация, транспорт ва коммуникация, туризм, илм-фан ва таълим каби соҳаларда ўзаро ҳамкорлик фаол ривожланмоқда.

Президентимиз Ўзбекистоннинг Туркий Кенгашга аъзо давлатлар билан ўзаро савдо ҳажми биргина 2018 йилда 40 фоиздан зиёдга ошганини маълум қилган эди. Шунингдек, қадимий Буюк Ипак йўлининг муҳим нуқталарида жойлашган туркий тилли мамлакатлардаги бой маданий мерос туризмни ривожлантириш бўйича улкан имконият эканлиги, маданий-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлаш халқларимизни янада яқинлаштириши Президентимиз томонидан алоҳида қайд этилган эди., 2019 йил давомида статистик маълумотларга кўра Ўзбекистонга 6 748 500 нафар сайёҳ ташриф буюрган, 2018 йилда бу кўрсаткич 5 346 200 кишини ташкил қилганди. Туристлар оқими ҳисобот даврига нисбатан 26,2 фоизга ошган. Энг кўп сайёҳ Марказий Осиё минтақасидан ташриф буюрган бўлиб, уларнинг сони 5 764 500 кишига етган. Сайёҳларнинг асосий қисми Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистон каби қўшни ва қардош давлатлардан ташриф буюрган. Туркия Республикасидан келган сайёҳлар сони тарихда илк бор 50 минг кишига яқин бўлган.

Президентимиз Чўлпонотадаги Турк Кенгаши саммитидаги нутқида Ўзбекистоннинг қадимий Хива шаҳрини 2020 йилда Туркий дунёнинг маданий пойтахти, деб эълон қилиш масаласини кўриб чиқишни таклиф этган эди. Ҳақиқатан ҳам, дунёдаги ягона музей-шаҳар мақомидаги ва ўрта асрлардаги туркий цивилизациянинг ноёб маданий ва меъморий обидаси бўлган Ўзбекистон инжуси Хива шаҳри бундай юксак эътирофга лойиқ ва шундай бўлди ҳам — 2019 йилнинг 30 ноябрь куни Халқаро туркий маданият ташкилоти – ТУРКСОЙ доимий кенгашининг 37-мажлисида 2020 йилда Хива шаҳри турк дунёсининг маданий пойтахти, деб эълон қилинди.

Ўзбекистоннинг Туркий Кенгашга аъзолиги қардош туркий давлатлар раҳбарияти томонидан катта қувонч ва қониқиш билан кутиб олинди. Қатор чет эл ОАВларида бу хусусда бир қанча таҳлилий мақолалар эълон қилинди.

Туркия Республикаси Ўзбекистоннинг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашига аъзолиги борасидаги қарорини мамнуният билан кутиб олди. Ташқи ишлар вазирлиги томонидан берилган баёнотда таъкидланишича, **"Тошкентнинг ташкилотга тўлақонли аъзолиги туркий тилли мамлакатларнинг бирдамлигига ҳисса қўшади, ҳамкорликни чуқурлаштиради, халқларнинг фаровонлиги йўлида қилинаётган ишларнинг даражасини юксалтиради".**

Озарбайжон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳам Ўзбекистоннинг Нахичеван келишуви ратификациясининг якунлаши туркий тилли давлатлар бирдамлигини мустаҳкамлашда навбатдаги муҳим воқеа бўлганини эътироф этди. **"Ўзбекистон Республикасининг Турк Кенгашида ўзини тақдим этиш қарори бизнинг кўп асрлик чуқур илдизларга асосланган маданий ва тарихий қардошлигимизни янада ривожлантириш, замон талабларига мувофиқ туркий тилли давлатлар манфаати, фаровонлиги нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистоннинг Турк Кенгашига қўшилиши ҳақидаги тарихий қарорнинг Нахичеван келишуви имзоланишининг 10 йиллик санасига тўғри келишида Озарбайжон Республикаси учун алоҳида рамзий маъно бор. 2019 йилнинг 15 октябрь куни Бокуда бўлиб ўтадиган Турк Кенгашининг 7-саммитида Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигидаги қардош Ўзбекистон делегациясини қарши олиш кўнгилли хушхабар ва улкан шарафдир"...**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғаннинг таклифига биноан 19-20 февраль кунлари ушбу мамлакатда бўлади. Ташриф дастурига мувофиқ, Анқара шаҳрида олий даражадаги музокаралар ҳамда Ўзбекистон ва Туркия Президентлари ҳамраислигида икки томонлама Стратегик ҳамкорлик кенгашининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтади. Йиғилишда сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий, транспорт-коммуникация, таълим, маданий-гуманитар ва бошқа устувор йўналишларда ҳамкорликнинг ҳолати ва истиқболлари кўриб чиқилади. Шунингдек, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар бўйича фикр алмашилади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Туркиянинг етакчи компаниялари раҳбарлари билан учрашади, Туркия Республикаси Президенти кутубхонаси мажмуасининг тантанали очилиш маросимида иштирок этади.

Туркия ва Ўзбекистон тарихи буюк, урф-одат ва анъаналари муштарак, энг яқин дўстлар сифатида танилган. Халқаро майдонда ҳам, ўзаро алоқаларда ҳам улар бир-бирини доимо қўллаб-қувватлайди. Президентимизнинг ушбу ташрифи дўстлик ришталарини яна бир поғона юқорига олиб чиқишига ишонамиз.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, Ўзбекистонимизнинг қардош халқлар билан азалий дўстлик алоқаларини янада юқори поғонага кўтариш стратегияси минтақа ва жаҳонда тинчлик, барқарорлик ва ҳамкорликни таъминлаш йўлида муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, Президентимизнинг сиёсий иродаси, очиқ ва амалий ташқи сиёсати натижасида Ўзбекистоннинг қардош, қўшни давлатлар ва узоқ-яқиндаги дунё мамлакатлари билан дўстона алоқалари тобора мустаҳкамланиб бораётганини тасдиқлайди.

**Фаррух ҲАМРОЕВ ёзиб олди.**

## Бу ҳақда Президент Мурожаатномасида айтилган эди...

# ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ВА РУХСАТНОМАЛАР БЕРИШ ТАРТИБИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Аввало, инсон соғлигига ва жамиятга зиён етказмайдиган фаолият турлари лицензиялашдан чиқариб ташланиши лозимлиги таъкидланди. Масалан, ўқув марказларидаги ўқитиш жараёни фуқаролар ҳаёти ва соғлигига зиён етказмаса-да, лицензияланади.

Айни пайтда айрим лицензия шартлари соҳада рақобатни ҳам чекламоқда. Хусусан, кредит тарихи тўғрисидаги маълумотларни тарқатиш билан ягона кредит бюроси шуғулланиб, бозорга бошқа тадбиркорлар киришига имкон деярли қолмайди. Кредит бюросини очиш учун камида 10 та тижорат банкининг розилигини олиш талаб этилади. Мавжуд 30 та банкдан 26 таси ушбу ягона кредит бюросининг муассиси ҳисобланиб, қолган 4 та банк янги бюро ташкил этишга розилик берган тақдирда ҳам ташаббускор лицензия ололмайди.

Шу билан бир қаторда, тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишнинг муқобил усулларини кенг жорий қилиш лозимлиги қайд этилди.

Хорижий тажрибада лицензиялаш ўрнига хабардор қилиш, мажбуриятни суғурталаш, ўзини-ўзи бошқариш, техник тартибга солиш каби муқобил усуллар мавжуд. Мисол учун, турар жой объектларини нотурар жой сифатида қайд этиш учун тадбиркор алоҳида рухсатнома олиши керак. Ваҳоланки, бунинг учун давлат идоралари хабардор қилинса, кифоя бўлиши мумкин.

Худди шундай, риэлторлик, аудиторлик, суд бошқарувчилиги каби фаолият турлари билан шуғулланувчиларнинг жавобгарлигини суғурталаш ёки ўзини-ўзи бошқариш тизимларига ўтказиш мумкин.

Шу муносабат билан Адлия ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлигига икки ой муддатда тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишнинг муқобил усулларини жорий қилиш вазифаси юклатилди.

Давлатимиз раҳбари лицензия ва рухсатномалар бериш тартиби ва муддатларини ҳам қайта кўриб чиқиш зарурлигини таъкидлади.

Адлия вазирлигига бир ой муддатда лицензия ва рухсатнома бериш муддатлари ва тўловларини ўрганиб чиқиб, уларнинг шартларини аниқ белгилаш юзасидан топшириқ берилди.

Бундан ташқари, баъзи ҳолатларда тадбиркор лицензия олиш учун узоқ вақт давомида сарсон бўлиб, керакли ҳужжатларни тўплаб топширади, бироқ арзимаган сабаблар билан унинг аризаси қайтарилади.

Йиғилишда Президент Шавкат Мирзиёев лицензиялаш жараёнига замонавий технологияларни тўлиқ жорий қилиш зарурлигини қайд этди.

Лицензияларнинг 79 фоизи, рухсат берувчи ҳужжатларнинг 80 фоизи ҳанузгача қоғоз шаклида берилмоқда. "Лицензия" ахборот тизимлари комплекси 2014 йилда ташкил этилганига қарамай, бугунги кунда бу портал деярли фаолият юритмаяпти. Ўтган йили 4 мингдан ортиқ лицензия "бир дарча" тамойилига риоя қилинмасдан берилган.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Адлия вазирлигига жорий йил 1 августга қадар лицензия бериш билан боғлиқ барча жараёнларнинг тўлиқ автоматлашган ягона электрон тизимини ишга тушириш вазифаси қўйилди.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, лицензия талабларига риоя этишни мониторинг қилишнинг янги, ошкора тизимини жорий қилиш лозимлигини қайд этди. Масалан, ёнғин назорати органлари ёнғинга қарши воситаларни ўрнатувчилар фаолиятини назорат қилиши керак бўлса-да, бундай назорат тизими амалда мавжуд эмас.

Илғор хорижий тажриба асосида барча лицензия талаб қилувчи фаолият турларида автоматлаштирилган риск-анализ тизимини ва масофавий назоратни йўлга қўйиш зарурлиги қайд этилди.

Бундан ташқари, Президентимиз таъкидлаганидек, соҳада коррупция ва турли суиистеъмолчиликларнинг олдини олиш мақсадида жамоатчилик назорати тизимини жорий қилиш талаб этилади.

Йиғилишда мутасаддилар олиб борилаётган ишлар ҳамда ҳар бир тармоқ кесимида қайси лицензия ва рухсатномаларни қисқартириш мумкинлиги тўғрисида ахборот берди.

**ЎзА**

◀ *Давоми, бошланиши 1-бетда.*

**МУНОСАБАТ**

# ИЛМ-МАЪРИФАТ

## фидойиликни, ватанпарварликни талаб этади



**Ғанишер РАҲИМОВ, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректори:**

**— Илм-маърифатли ҳар бир инсонда ватанпарварлик туйғуси мустаҳкам бўлади. Тарихда ҳам бугун ҳам бунга кўплаб мисоллар бор. Илм инсонга беқиёс куч-қувват, ҳисобсиз имкониятлар тақдим этади. Мамлакатни юксалтиришнинг бирдан-бир йўли ҳам илм-фандир.**

Президентимиз Шавкат Мирзиёев парламентга Мурожаатномасида илм-фан ва олий таълим йўналишида ҳал этилиши зарур бўлган бир қатор масалаларни алоҳида таъкидлади.

Мурожаатномани эътибор билан тинглар эканман олий таълим соҳасида ҳам муаммолар борлигини англадим. Айниқса, мактаб битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш даражаси кейинги уч йилда оширилганига қарамасдан ҳали ҳам жуда кўп соҳаларда кадрлар етишмовчилиги юз бермоқда. Ушбу ҳолатни бартараф этиш мақсадида 2020 йилда қабул квотаси камида 25 фоизга келгусида 50-60 фоизга етказилиши, давлат грантларининг 2 баробарга оширилиши халқимиз, айниқса ёшларимиз томонидан жуда кўтаринкилик, хурсандчилик билан кутиб олинди.

Ёшларимиз жуда ўқишни хоҳлайди. Ота-она борки болам олий ўқув юртига кирса, шифокор, ўқитувчи, ҳуқуқшунос... бўлса, деб орзу қилади. Мазкур ўринли талаб ва истаклар, инобатга олиниб, мамлакатимиз раҳбари томонидан, ёшларни билим олиши учун жуда катта шароитлар яратиб берилди. Сиртқи ва кечки таълим йўналишлари тикланди. Қабул жараёнларида тўлиқ адолат ўрнатилди. Бу борадаги ишлар бугунги кунда ҳам давом эттирилмоқда.

Мурожаатномада таъкидланганидек қизларимиз учун алоҳида грантлар ажратилади. Ота-она ўқимишли бўлса, бундай оилада дунёга келган фарзанд ҳам илм олишга интилади. Айниқса она маърифатли бўлса унинг болаларида ҳам ўқиш истаги, кучли бўлади. Демак қизларимиз учун яратилаётган шароитлар эртага маърифатли оналар сафи ортишига ва ўз навбатида ўқимишли болалар кўпайишига хизмат қилади.

> *Инсонни инсон қиладиган, золимликдан асрайдиган ягона куч илм-маърифатдир».*
> *«Келажак онгга ҳукмронлик қилганларникидир».*

Америка тарихида муҳим ўрин тутган Президент Жон Адамсь: «Инсонни инсон қиладиган, золимликдан асрайдиган ягона куч илм-маърифатдир», деган эди. Демак илм-маърифат билан биз ёшларимизни турли жиноятлардан, бало-қазолардан, иллатлардан асраб қоламиз. Бугун жамият томонидан ёшларга кўрсатилган йўл уларни келажакка олиб чиқади. Бу борадаги масъулият бизнинг зиммамизда. Уинстон Черчилль айтганидек: «Келажак онгга ҳукмронлик қилганларникидир».

Президентимиз томонидан олий таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар замирида ҳам мана шу ҳақиқат мужассамлашган. Шуни унутмаслигимиз керакки, илм-маърифатни юксалиши учун энг аввало ватанпарвар ва фидойи бўлишимиз керак...

**Барчиной ҲАМИДУЛЛАЕВА, ёзиб олди.**

**Президентимизнинг парламентга қилган Мурожаатида 2020 йилда халқимиз тарихининг мураккаб дамларида, маърифат машъалини баланд кўтариб чиққан аллома ва адиб Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг 145 йиллик таваллуд санасини кенг нишонлаш, умуман, жадидчилик ҳаракати, маърифатпарвар боболаримиз меросини чуқур ўрганиш лозимлиги алоҳида таъкидланди.**

# МИЛЛАТНИНГ БИРЛАШУВИ

## *жадидларнинг энг улуғ орзуси эди*

Жамиятимиз бугунги мафкуравий курашлар даврида миллий тикланишдан миллий юксалиш сари қадам қўймоқда. Ана шундай бир шароитда жадидчилик намояндалари фикрларини ўрганиш, уларнинг ижодий меросини кенг тарғиб қилиш катта аҳамиятга эга. Давлатимиз раҳбари айтганидек, бу маънавий хазинани қанча кўп ўргансак, бугунги кунда ҳам бизни ташвишга солаётган жуда кўп саволларга тўғри жавоб топишимиз ҳамда бебаҳо бойликни қанча фаол тарғиб этсак, халқимиз, айниқса, ёшларимиз бугунги тинч ва эркин ҳаётнинг қадрини англаб етади.

Миллий ғоя, фалсафий маъносига кўра, бир миллатнинг бирлашуви ва миллий ўзликни англаб етишни билдиради. Жадидчилик асосчиларидан бири Исмоил Гаспринскийга кўра, миллий ғоя миллат тараққиёти учун зарур ва энг муҳим ишларни ҳаётга татбиқ этишга қаратилган дастлабки пойдеворни яратишни англатади. Унинг фикрича, инсонларни бир ғоя остида бирлаштириш натижасида жамиятнинг ҳар бир аъзоси миллат манфаатини ўзининг шахсий манфаати сифатида қабул қила бошлайди. Натижада миллатга фойда келтирадиган ҳар қандай жамоат ишидан ҳеч ким ўгирилиб кетмайди.

Гаспринскийнинг Туркистондаги энг яқин ҳаммаслаги Маҳмудхўжа Беҳбудийга кўра, қуйи ва юқори мактабнинг ислоҳ этилиши миллатнинг ислоҳ этилишига олиб келади. Ўз навбатида, миллатнинг ислоҳ этилиши – бу миллий ғоя бўлиб, уни тарғиб қилиш миллатнинг ҳар бир вакили учун ҳам фарз, ҳам қарздир.

Ёш авлоднинг жаҳон тилларини чуқур ўзлаштириши ўз иқтидорини намоён этишнинг асосий йўлларидан бири. Шундай бўлсада, бугунги кунда жадид маърифатпарварларнинг бошланғич таълимни она тилида беришга мўлжалланган миллий мактабларнинг умуммиллий институтини яратишга қаратилган дастури ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Жадидлар ушбу дастурни тизимли амалга ошириш учун миллат фойдаси учун керакли ва энг муҳим ишларни бажаришнинг асосини белгиловчи "умуммиллий ғоя" ишлаб чиқиш ва уни тарғиб қилиш йўлларини қидирдилар. Ўз навбатида, миллатни бир "умуммиллий ғоя" остида бирлаштириш учун ишга миллат элитасини, яъни жамиятнинг зиёли қатламини кенг жалб қилиш зарур эди. Ушбу зиёли қатламнинг "умуммиллий ғоя"ни тарғиботидаги саъй-ҳаракати, биринчи навбатда сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-маданий институтлар ташкил этилишига қаратилиши керак эди.

Жадидлар "умуммиллий ғоя" моҳиятини тушунтирар экан, ушбу ғоя қолган барча ғоялардан юқори туриши ва миллатни улуғлаш, мақсадларни юқори кўтариш, миллатнинг ҳақиқий бирлиги – бу "умуммиллий ғоя"нинг туб моҳиятини ташкил этади, деб қарадилар. Бу ғоя миллатнинг интилиши ва фойдасини акс эттириши лозим. Жадидлар наздида "умуммиллий ғоя" – бу энг олий ва муқаддас бўлиб, шариат қоидаларига кўра энг улуғвор ва қимматбаҳо нарсадир.

Жадидлар миллий ғояни тарғиб қилиш учун энг биринчи восита бўлган хайрия жамиятларини тузишга киришдилар. Туркистонда мусулмон хайрия жамиятларининг тарихи XIX асрнинг сўнгидан бошланади. Самарқанд шаҳар қозиси Низомиддинхўжа ташаббуси остида 1894 йили 1500 сўм маблағ жамланиб маҳаллий аҳоли учун "Дор ул-ожизин" таъсис қилинди. Орадан икки йил ўтиб, 1896 йили Ўш шаҳрида маҳаллий мусулмонлар биринчи "Дор ул-ожизин" ташкил қилдилар. Ушбу "Дор ул-ожизин"нинг молиявий тарафини шаҳар савдогарлари ўз зиммаларига олишган. Юқоридаги маълумотлар Туркистон генерал-губернаторлигида маҳаллий халқ тарафидан ташкил этилган замонавий хайрия муассасалари тўғрисидаги илк газета хабарларидан олинган Бу "Дор ул-ожизин"ларнинг асосий вазифаси шаҳар аҳолисидан ёрдамга муҳтож қатламини иссиқ овқат ва бошпана билан таъминлаш бўлган эди. 1897 йили Бухоро амири Абдулаҳадхон Бухоро шаҳрида кам таъминланган ва ногиронларга мўлжалланган "Дор ул-ожизин" таъсис қилди. Ушбу хайрия муассасасида бериладиган икки маҳал иссиқ овқат амир ҳисобидан амалга оширилган. Айни шу вақтдан эътиборан Туркистонда маҳаллий халқларнинг замонавий мусулмон хайрия тизимида янги давр бошланди.

Туркистонда кенг қамровли замонавий хайрия жамияти таъсис қилиш масаласи биринчи бор 1906 йили "Тараққий" газетасида кун тартибига қўйилди. Ана шундай кенг қамровли мусулмон хайрия жамияти орадан 3 йил ўтиб, 1909 йили 15 июль, айрим маълумотларга кўра, 10 августда Тошкентда "Жамияти Имдодия" номи остида таъсис қилинди. Ушбу муассаса таъсисчилари бошида Тошкент жадидларининг етакчиси Мунавварқори Абдурашидхонов турди. "Жамияти Имдодия"нинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат бўлган:

– маҳаллий халқнинг барча қатламлари таълим олишлари учун турли йўналишдаги мактаблар ташкил этиш;

– йўқсил болалар ва етимларга ғамхўрлик қилиш;

– турли бошпаналар ташкил этиш;

– мусулмон талабаларига моддий ёрдам кўрсатиш ва ҳоказо.

Албатта, ҳар қандай хайрия ишини амалга ошириш учун маблағ, дастак лозим. Шу маънода Беҳбудий матбуот саҳифаларида эълон қилган ўнлаб мақолаларида савдо ва ишлаб чиқариш вакилларини бошланган хайрия ишларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга даъват эта бошлади. У шундай мақолаларидан бирида "турли даврларда тараққиёт ва ислоҳотларни сармоя ва унинг вакиллари дастаклаб келган. Миллатга далда бериш, мактаблар ислоҳи, ёшларимизни Европа олий ўқув юртларига киришларига тайёрлаш, умуммиллий ишларни амалга ошириш учун бизга "Хайрия жамиятлари", кутубхоналар, жамғармалар, турли тўгараклар, газеталар, журналлар, нашриётлар ва ҳоказолар керак. Миллатнинг тараққиёти мана шу йўл билан амалга оширилади ва бу ишлар учун маблағ зарур. Маблағ эса бизнинг бойларимиз қўлида", – деб ёзди ва уларни миллатни "уйғотиш"га қаратилган ушбу хайрли ишларни дастаклашга чақирди.

"Жамияти Имдодия"нинг фаолияти жуда оғир кечди. Жамият даромадининг асосини аъзолик бадали ташкил қилгани учун ҳам у таъсис этилганидан бошлаб бир ярим йил давомида янги аъзолар жалб қилиш ва кейинги фаолиятини юргизиш учун маблағ йиғишдан бошқа ҳеч қандай фаолият олиб бормади. Туркистонлик жадидлар Ички Россия мусулмонлари амалга оширгандек садақа ва закотни хайрия жамияти фойдасига жалб қилишга муваффақ бўла олмадилар. Бунинг чуқур ижтимоий муаммолари бор эди. Шаҳарнинг катта бой ва савдогарлари жамоат ишларига бош қўшмадилар ва бундай хайрия ишларига маблағ сарф қилишдан ўзларини тортдилар.

Беҳбудий Туркистон зиёли қатламининг бу тариқа иш тутганини "ҳар ким ўз фойдаси ва шахсий иши билан банд. Бизда умуммиллий ёки диний ва миллий ишлар фойдасига ҳаракат қиладиган одамлар йўқ. Бизда, бошқа миллатларда бўлганидек, миллатнинг тараққиёти учун жон куйдирадиган кишилар йўқ", деб тушунтиришга ҳаракат қилди.

"Ойина" журналида чоп этилган бир мақолада Туркистон мусулмонлари шартли равишда уч гуруҳга тақсим қилинган эди:

– бадавлат инсонлар: ер эгалари, савдогарлар, ишлаб чиқарувчилар;

– турли контора ёки алоҳида одамлар қўлида хизмат қилаётган ўқимишлилар;

– "миллат" ҳақида умуман тасаввурга эга бўлмаган оддий халқ. Бу тасниф муаллифининг фикрича, агар мана шу гуруҳ вакиллари бирлашса ва тиллари ва диллари билан моддий ва маънавий ёрдам кўрсатса, миллат манфаати ва равнақи учун исталган ишни амалга ошириш мумкин.

Туркистонда миллий ғояни халқ онгига сингдириш ва уни кенг тарғиб қилиш ишидаги оқсашига энг катта тўсиқ миллий матбуотнинг йўқлиги эди. Жадидшунос олим Бегали Қосимовнинг фикрига кўра, Туркистон жадидларининг газета, хайрия жамиятлари таъсис этиш, янги усул мактабларини ёйиш, театр ишлари ва бошқа барча ҳаракатлари бир миллий ғоя учун хизмат қилди. Унинг таъкидлашича, ҳар бир ғоянинг миллий ғояга айланиши учун икки талабга жавоб бериши керак:

– ғоя миллатнинг ҳақиқий эҳтиёжидан, турмуш тарзидан, асрий анъаналаридан ва албатта, имкониятларидан келиб чиқиши керак;

– ушбу ғоя миллат томонидан англаб етилиши, бошқа сўз билан айтганда, миллийлаштирилиши керак. Яъни, ғоя миллатнинг ҳар бир вакили юрагига етиб бориши керак.

Беҳбудий "Аъмолимиз ёинки муродимиз" сарлавҳали мақоласида туркистонликларнинг турли тадбир, тўйларидан тортиб миллий ўйинларигача бўлган ҳар кунлик турмуш тарзини таҳлил қилар экан, халқни кўзини очиб ён-теварагидаги миллатлар ишларига ва қандай яшаётганларига қарашга чақиради. У халқни исрофли тадбирлардан воз кечиб, уларга сарф қилинадиган маблағни иқтисодиётнинг барча тармоқларига миллий кадрлар тайёрлаш мақсадида давлат таълим муассасаларида болаларни ўқиши учун йўналтиришга даъват этади. Беҳбудий бу ҳаракатларини умуммиллий ишлар, олий мақсадлар, хоҳишлар ва интилишлар деб атайди.

Бадиий адабиёт, хусусан шеърият миллий ғоя тарғиботида жуда катта рол ўйнади. Жадид шоирлари биринчи навбатда янги илм, фанни улуғлади ва халқни ушбу илм ва фанларни ўрганишга тарғиб қилди. Улар замонавий илм ва фанга тараққиётга эришишнинг бирдан-бир ягона йўли деб қарадилар. Самарқандлик шоир Сиддиқий-Ажзий шеърларидан бирида туркистонликларни "бир ғоя атрофида жипслашиб, бир йўлдан бормоқни" ва бир "олий мақсад"га интилиб, у учун "курашишга" чақирди.

Туркистонлик жадидлар энг аввалда мусулмонларга сиёсий ҳуқуқлар берилиш тарафдорлари томонида турмадилар. Сабаб, саводсиз, замонавий илм, маърифатдан бехабар халққа сиёсий ҳуқуқ берилиши ҳеч бир муаммонинг ҳал қилинишига олиб келмаслигини жуда яхши тушунар эдилар. Ўша даврда замон тили бўлган рус тили ва рус қонунларини билмаслик, ва энг асосийси – мусулмонларнинг замонавий билимлардан хабарсизлиги қўлга киритилган барча сиёсий ҳуқуқларни йўққа чиқариши аниқ эди. Шунинг учун ҳам Туркистон жадидлари миллий ғояни тарғиб қилишдаги асосий фаолиятлари халқ орасида замонавий илм, маърифатнинг тарғиботига қаратди.

Бухоро жадидларининг мафкуравий етакчиси ҳисобланган Абдурауф Фитрат "Қуръон" сарлавҳали мақоласида миллат тараққиёти хусусида фикр юритар экан, ўз фикрларини илм ўрганишни улуғловчи Қуръон оятлари орқали тушунтиришга ҳаракат қилади. Фитрат Қуръонни исталган миллатни саодатли ва кучли қилишга қодир бўлган ижтимоий қонунга қиёслайди. Бундан ташқари, у мусулмонларнинг ўша вақтдаги аҳволини Ислом динига қадар бўлган арабларнинг "жоҳилият даври"га ўхшатади. Фитрат Қуръонда барча мусулмонлар саодат ва тараққиётга эришиш учун ҳаракат қилишлари кераклигига чақириқ кўради. Мақоласининг сўнгида Фитрат туркистонликларга савол билан мурожаат қилади: "Ажабо, биз ўзимизни инсон деб атаб, ҳақиқий инсон каби ҳаракат қилишни хотирга келтирмаймизми? Наҳотки, биз қиёматгача ўзимизнинг жоҳиллигимизни тушуна олмасак ва сабабларини қидиришга ҳамда уларни ҳал қилиш чораларини топишга қодир бўлмасак?".

Фитрат яна бир бошқа мақоласида "Биз қандай қилиб тараққиётга эришамиз?" деган саволни ўртага ташлайди. Мақола давомида у Туркистон мусулмонлари тараққиёт йўлини қандай топиш устида бош қотирмаса ҳам бўлади, бизгача бошқа тараққий этган миллатлар барча йўлларни очиб қўйганлар, биз фақат уларни ўз маънавиятимиз, эътиқодимиз ва ўзлигимиздан келиб чиққан ҳолда ўзлаштиришимиз керак, деган ғояни илгари сурди. Ва энг асосийси, Фитрат ғарбнинг замонавий илм-маърифатини ўзлаштиришга бўлган бу ҳаракатнинг мусулмон эътиқодига умуман дахли йўқ эканлигини тушунтиришга ҳаракат қилди.

Туркистонга Миллат ва Ватан нима эканлигини аниқ тасаввур қила оладиган, ўз халқига, юртига содиқ ўқимишли ва зиёли ёш авлод керак эди. "Садойи Туркистон" газетаси ёзганидек, бу ёш авлод ўзининг хизмати, ҳаракати, ёрдами ва содиқлиги билан ҳақиқий зиёли эканлигини кўрсатиши керак эди.

Туркистон жадидлари миллий ғоянинг самарали тарғиботи учун 1914 йилдан бошлаб турли нашриёт, ширкат ва кутубхоналар ташкил қила бошладилар. Бундай муассасаларнинг асосий мақсади миллий ғоя тарғиботи ва сиёсий ироданинг мустаҳкамланишига хизмат қиладиган газета, журнал ва китобларни нашр қилиш ва аҳолининг орасида тарқатишдан иборат эди. Бунда асосий эътибор ўрта авлод мусулмонлар аудиториясига қаратилди. Ана шундай ташкил этилган муассалар қаторига Қўқондаги "Ғайрат" кутубхонасини, Тошкентдаги "Нашриёт" ширкатини, Бухородаги "Маърифат" кутубхонаси ва "Баракат" кооперативини мисол қилиш мумкин.

Туркистон жадидлари миллатни жипслаштирувчи, ягона йўлга бошловчи миллий ғояни Ички Россия мусулмонларидан олган бўлсаларда, маҳаллий воқеликка мослаган ҳолда қайта шакллантирдилар ва кенг тарғиб қилдилар. Туркистон жадидлари бошланғич паллада таълим, замонавий билимлар тарғиби ҳамда маҳаллий аҳолининг турмуш шароитини ўзгартиришга қаратилган дастур асосида иш олиб борди. Айнан мана шу масалалар жадидларнинг миллий ғояси асосини ташкил этди.

Жадидларнинг ғоя ва мақсадлари, улар тарғиб қилган фикрлар бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаганлиги юқорида айтилган фикрлардан ҳам кўриниб турибди. Элга содиқ, Ватанга муҳаббатли, илм-фанга рағбатли, дунёқараши кенг, замонавий билимларни чуқур эгаллаган ёш авлодни тарбиялаш жадид маърифатпарварларнинг ҳам энг юксак мақсадлари эди. Уларнинг фаолияти, ижоди ва ҳаёт йўли билан халқимизни, айниқса ёшларимизни кенг ошно қилиш, жадидлар таъбири билан айтганда, "миллат устуни" бўлган зиёлиларга катта масъулият юклайди. Бундай ишларни кечиктириш эса аянчли, ҳатто ҳалокатли аҳволга олиб келишини яқин ўтмишдаги тарихимиз исботлаб турибди.

**Зайнобиддин АБДУРАШИДОВ,**
**Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети проректори, профессор.**

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида*

# «ИСТЕЪМОЛ САВАТЧАСИ» — ИЗЛАНИШЛАР, ЎРГАНИШЛАР



## халқаро тажриба асосидаги концепция ишлаб чиқилади

***Маълумки, истеъмол (яшаш) минимуми деганда инсон танасининг ҳолсизланиб қолмаслиги — нормал ишлашини таъминлаш, унинг саломатлигини сақлаб турадиган даражада озиқ-овқат маҳсулотлари тўпламига эга бўлишнинг энг кам миқдори, асосий ижтимоий ва маданий эҳтиёжларни қондириш учун зарур минимал хизматлар тўпламини таъминлашга етарли бўлган қиймат англашилади.***

Истеъмол минимуми ҳажми икки элементдан иборат – физиологик ва ижтимоий. Физиологик минимум – инсон яшаши учун зарур бўлган моддий қадриятлар қиймати ифодасидир. Дунё амалиётида физиологик минимум умумий истеъмол минимумнинг ўртача 85-87 фоизини ташкил этади, қолганлари ижтимоий қисмига, яъни минимал даражада мақбул турмуш тарзига мувофиқ маънавий қадриятлар тўпламига тўғри келади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ХДП фракциясининг кенгайтирилган йиғилишида мана шулар ҳақида сўз борди. Унда фракция аъзолари, Иқтисодиёт ва саноат, Соғлиқни сақлаш, Молия вазирликлари вакиллари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, партиянинг ҳудудий ва Марказий Кенгаши масъуллари иштирок этди.

Йиғилишда "истеъмол саватчаси" ва "яшаш минимуми" тушунчасини қонунчиликда мустаҳкамлаш ҳамда уни амалга ошириш механизмини ишлаб чиқиш масаласи муҳокама қилинди. Ушбу масала бўйича Халқ демократик партияси фракцияси ва Марказий Кенгаши томонидан тузилган ишчи гуруҳнинг дастлабки ҳисоботи эшитилди.

**Михаил ЕЛЬШОВ,**
**Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши бош консультанти:**

— Бугунги кунда "истеъмол саватчаси" ва "яшаш минимуми" тўғрисида қонун қабул қилинишига қандай зарурат бор?

Биринчидан, Конституциямизнинг 39-моддасида пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмаслиги назарда тутилган.

Мазкур Конституциявий меъёр амалда ишламади, тирикчилик учун зарур энг кам миқдорни белгилаш мезонлари шу вақтга қадар аниқланмади. Бу борада миллий қонунчилигимиз ҳам, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳам халқаро амалиётдан жуда орқада қолди.

Иккинчидан, Президент Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида Ўзбекистонда илк бора камбағалликни камайтириш чоралари кўрилиши зарурлиги таъкидланиб, бу бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Эндиликда халқаро ташкилотлар билан бирга камбағалликни камайтириш дастури ишлаб чиқилади. Бунинг учун биринчи навбатда камбағаллик тушунчаси, уни аниқлаш мезонларини белгилаш, яъни "истеъмол саватчаси" ва "яшаш минимуми" ҳақида алоҳида қонун қабул қилиниши зарур.

Халқ демократик партияси Сайловолди дастурида "истеъмол саватчаси" ва "яшаш минимуми"га оид муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш, шу масалада партия фракцияси орқали қонунчилик ташаббусини илгари суриш вазифаси белгиланган.

Халқ демократик партияси фракцияси ушбу муҳим вазифани бажаришга киришган. Депутатлар, партия фаоллари ва экспертлардан иборат ишчи гуруҳи "истеъмол саватчаси" ва "яшаш минимуми"ни белгилаш бўйича хорижий тажрибани ўрганиш ва таҳлил қилиш ишларини олиб боряпмиз.

**Аваз ЎРИНБОЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:**

— Маълумки, "истеъмол саватчаси" - муайян вақт давомида инсон ҳаёти ва унинг саломатлигини сақлаш учун зарур маҳсулотлар, товар ва хизматларнинг энг кам тўплами ҳисобланади. Бу борадаги минимал меъёрлар тирикчилик учун зарур энг кам миқдорни (истеъмол саватчасининг қиймат баҳосини) белгилаш учун асос бўлади.

"Истеъмол саватчаси" бир инсон ёки оила учун маълум бир вақтга, масалан, бир ойга зарур маҳсулотлар ва хизматлар бўлиб, кўп давлатларда унинг умумий қийматига кўра аҳолига ижтимоий нафақалар белгиланади. Шунингдек, "истеъмол саватчаси" инсон учун етарли миқдорда озиқ-овқат, дори-дармон каби ҳаёт учун зарур воситалар мажмуасини англатиб, унинг миқдор ва таркиби турли давлатларда турличадир. "Яшаш минимуми" миқдори эса "истеъмол саватчаси" қийматига асосан белгиланади.

Масалан, АҚШда истеъмол саватчасига 300 хил, Францияда — 250, Англияда — 350, Германияда — 475, Россияда эса 156 хил маҳсулот ва хизматлар "истеъмол саватчаси"дан жой олган.

Айни пайтда мутахассислар билан ўрганишлар олиб борган ҳолда 46 хил озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол саватчасига киритиш ҳақида муҳокамалар олиб борилмоқда. Бундан ташқари ноозиқ овқат маҳсулотлари ҳамда хизматлар ҳам унинг таркибига киритилади. Ўйлаймизки, бу борадаги ўрганишлар тез орада ўз натижасини беради ва қонуннинг амалиётга жорий этилиши партиямиз электорати манфаатларига хизмат қилади.

**Сафар ОСТОНОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:**

— Ҳар бир масалада партиямиз электорати, яъни ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд аҳоли қатлами манфаатларини ифода этишга ҳаракат қилишимиз керак. "Истеъмол саватчаси" ҳақидаги қонуннинг амалиётга жорий этилиши ҳам бевосита ушбу қатламнинг манфаатига хизмат қилади, деб ўйлаймиз. Истеъмол саватчаси кам таъминланган оилалар, ёлғиз аёллар, кексалар ижтимоий ҳимояси учун зарур.

Шу билан бирга, ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд қатламни аниқлаб олиш ва унинг мезонларини қайта кўриб чиқиш керак. Жойларда аҳолидан норозиликлар келиб тушади. Айниқса, ёлғиз аёллар бу борада кўп мурожаат этади. Масалан, фарзандларини бир ўзи тарбиялаётган аёлларнинг хонадонида телевизори, музлатгичи бўлса, "сизнинг яшашингиз яхши экан", деб уларга ижтимоий кўмак берилмайди. Яна энг кам ойлик иш ҳақининг бир неча баробари миқдорида маош оладиган шахслар ҳам ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам сирасига киритилмайди. Ваҳоланки, 600-700 минг сўм билан рўзғор тебратиб бўлмайди. Бу каби мисолларни яна келтириш мумкин. Асосийси, ушбу тизимда аниқ меъёрлар, тартиб жорий қилиниши зарур, деб ҳисоблайман.

Йиғилишда, шунингдек, Ўзбекистонда "истеъмол саватчаси" ва "яшаш минимуми"ни белгилашнинг ўзига хос жиҳатлари, бу борада ҳудудларда ўтказилган эксперимент натижалари, бир киши учун бир ойга зарур бўладиган энг зарур озиқ-овқат маҳсулотларининг минимал миқдори ва бошқа муҳим масалалар бўйича мутасадди вазирликлар вакилларининг ахборотлари тингланди.

Партия фракцияси аъзолари халқаро тажрибага мос равишда "истеъмол саватчаси" меъёрларини аҳолининг 3 та асосий ижтимоий-демографик гуруҳи, яъни меҳнатга лаёқатли аҳоли, пенсионерлар ва болалар учун ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлашди.

Кенгайтирилган йиғилишда "истеъмол саватчаси" таркиби қисмларга бўлинган ҳолда атрофлича муҳокама қилинди. Одатда "истеъмол саватчаси" 3 қисмдан, яъни озиқ-овқат маҳсулотлари, ноозиқ-овқат товарлар (кийим-кечак, пойабзал, дори-дармонлар) ва коммунал, транспорт, маданий-маърифий хизматлардан иборат бўлади. Мамлакатимизда бу борада минимал меъёрларни белгилашда ҳудудлардаги турмуш маданиятининг ўзига хос жиҳатларини алоҳида эътиборга олиш таклиф этилди.

Шунингдек, аҳолининг реал даромадлари, иш ҳақи, пенсия, нафақа ва бошқа ижтимоий тўловлар миқдорини халқаро нормаларга мувофиқ ишлаб чиқиладиган "истеъмол саватчаси" ва "яшаш минимуми"га мақбуллаштириш муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Фракциянинг кенгайтирилган йиғилишида "истеъмол саватчаси" ва "яшаш минимуми" тушунчасини қонунчиликда мустаҳкамлаш ва уни амалга ошириш механизмини ишлаб чиқиш бўйича тузилган ишчи гуруҳ ҳисоботи маълумот учун қабул қилинди.

Йиғилишда ишчи гуруҳ зиммасига қисқа муддатда "истеъмол саватчаси" ва "яшаш минимуми" тўғрисидаги қонун лойиҳаси концепциясини тайёрлаш вазифаси юклатилди. Бу ҳақда Халқ демократик партияси фракциясининг тегишли қарори қабул қилинди.

**Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**




# ОМБУДСМАН АХБОРОТ БЕРДИ

**Кеча парламент қуйи палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракция аъзолари, вазирлик, ташкилотлар вакиллари, экспертлар, маҳаллий Кенгаш депутатлари, партия масъуллари иштирок этди.**

Йиғилишда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) 2019 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи эшитилди ва қизғин баҳс-мунозара, танқидларга бой бўлди. Улуғбек Муҳаммадиев инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонунлар ва ташкилий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, мамлакат қонунлари ҳамда халқаро шартномалар ижроси устидан мониторинг йўналишларида амалга оширилган ишлар ҳақида атрофлича ахборот берди.

Қайд этилдики, 2019 йилда қамоқда сақланаётган шахслардан 1314 та мурожаат келиб тушган бўлиб, бу 2018 йилга нисбатан 1,4 баравар кўп дегани. Жазони ижро этиш муассасаларидан Омбудсманга ишонч телефони орқали 103 та оғзаки мурожаат келиб тушган.

Давлат идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан жиноятда гумон қилинувчилар ва маҳкумларга нисбатан ноқонуний таъсир чоралари кўрилгани тўғрисидаги шикоятлар Омбудсманнинг алоҳида назоратида бўлган. 2019 йил давомида Омбудсман бу борада 138 та шикоятни қайд этган.

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 апрелда қабул қилинган 309-сонли қарори билан Ички ишлар органларининг Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказлари ташкил этилган. Омбудсман томонидан қонунга мувофиқ ўз ваколатлари доирасида ҳудудлардаги 963 ўринга мўлжалланган 12 та реабилитация марказида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга доир қонунлар ижроси юзасидан мониторинг олиб борилган.

Реабилитация марказларида яратилган шароитлар у ерда сақланаётган шахсларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситади, бу эса "Ички ишлар органларининг муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказлари тўғрисида"ги низом талабларига зиддир, деб хулоса берилади Омбудсман ҳисоботида.

Айтиш керакки, ҳар бир йўналиш бўйича ҳисоботлар таҳлил қилиниб, парламент аъзолари эътиборига ҳавола қилинди. Бажарилган ишлар, йўл қўйилган камчиликлар муҳокама этилди. Депутатлар Омбудсманнинг ҳудудлардаги вакиллари фаолиятини кучайтириш, аввало уларга ишлаш учун шароит яратиб бериш тўғрисида таклифларини билдиришди.

Фракция аъзолари Омбудсман институтининг бугунги ислоҳотлар даврида янада долзарб аҳамият касб этаётганини таъкидлашди. Фуқароларнинг мурожаатларини ўрганиб чиқиш ва узил-кесил ҳал қилиш бўйича амалий ишларни кўпайтириш лозимлигига эътибор қаратишди. Лекин шунга қарамай, айрим йўналишлардаги мурожаатларга ечим топиш кўрсаткичи фоизларга ҳисобланганда ҳам натижалар қониқарли эмаслиги қайд этилди.

Омбудсман инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонун ҳужжатлари ҳамда тегишли амалиётни янада такомиллаштириш бўйича тавсия ва таклифларини ҳам берди. Хусусан, прокуратура, ички ишлар ва давлат хавфсизлик хизмати тизимидаги тергов идораларини бирлаштириш ҳамда ягона тергов органини ташкил этиш, жазони ижро этиш муассасалари фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш ва уни Ички ишлар вазирлигидан Адлия вазирлиги тасарруфига ўтказиш ёки алоҳида мувофиқлаштирувчи орган ташкил этиш бўйича таклифлар билдирилди.

Фракция аъзолари омбудсман жамиятини кучайтириш билан боғлиқ баъзи масалаларни ўрганиб чиқиб, таклифлар тайёрлаш керак, деган хулосага келишди.

Йиғилишда депутатлар томонидан бир қатор қонун лойиҳалари ҳам муҳокама қилинди.

Хусусан, «Бола ҳуқуқлари кафолатларининг янада кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди. Фракция аъзолари Халқ демократик партияси ғоялари ва Сайловолди дастуридан келиб чиқиб, биринчи ўқиш жараёнида билдирган таҳририй таклиф инобатга олингани таъкидлаб ўтилди.




«Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексини тасдиқлаш ҳақида»ги (янги таҳрир) қонун лойиҳаси баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Айниқса, депутатлар юртимиздаги жадал қурилиш жараёнларида шаҳарсозлик қоидаларига риоя қилиш, бу жараёнда жамоатчилик назорати йўлга қўйилишига ҳуқуқий шароит яратиш масалаларига эътибор қаратди. Шаҳарларда қурилиш ишларини амалга оширишда тадбиркорлар манфаатларинигина эмас, шаҳарнинг яхлит қиёфаси, ҳамма учун қулайлиги масалаларига эътибор бериш кераклиги таъкидланди.

Шу билан бирга, депутатлар Шаҳарсозлик кодексига юридик ва жисмоний шахсларга етказилган зарарнинг ўрни қопланишини назарда тутадиган меъёр киритилаётганини қўллаб-қувватлашларини билдирди.

Йиғилиш якунида кун тартибига киритилган қонун лойиҳалари бўйича фракция позицияси белгиланди ва шу асосда тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Ўз мухбиримиз.**

**ЎЗБЕКИСТОН ХДП ҲУДУДИЙ КЕНГАШЛАРИДА**

**Халқ демократик партияси Тошкент вилояти, туман ва шаҳар кенгашлари фаоллари ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳамкорликда аҳоли билан мулоқотлар, учрашувлар ўтказмоқда. Унда аҳолини ташвишга солаётган муаммолар ўрганилиб, уларни қизиқтираётган масалалар муҳокама қилинмоқда.**

# Аҳоли мурожаатлари ўрганилмоқда



Ана шундай тадбирлардан бири Тошкент туманида бўлиб ўтди. Келес ҳудуди маҳаллаларида долзарб муаммоларни аниқлаш, мурожаатлар қонуний ва сифатли кўриб чиқилишини таъминлаш мақсадида "Аҳоли билан мулоқот: муаммо, ечим ва самара" мавзусида ўтказилган мазкур тадбирда вилоят ҳамда туман партия кенгашлари масъуллари, депутатлар, мутасадди ташкилотлар раҳбарлари, маҳалла фаоллари ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Мурожаатларнинг аксарияти коммунал соҳага тегишли бўлиб, улар атрофлича ўрганилди. Айтиш керакки, айрим масалалар жойида ҳал этилди.

Хусусан, "Кўк терак" МФЙ ҳудуди "Мажнунтол" кўчасида сувсизлик муаммоси бартараф этилди. Яъни, Сайфилла Турсунов ва Абдуҳамид Эшонхонов қувурнинг ушбу кўчага кириш қисмига зарар етказилгани сабабли аҳоли сувсиз қолганини билдиришди. Сувоқава ходимлари муаммони ўрганиб, мулоқотнинг эртаси куни айтилган ҳудуддаги ерни ковлаб, сув қувурини алмаштирди.

Маҳалладаги табиий газ билан боғлиқ масала ҳам мутахассислар томонидан жойида ҳал этилди. Табиийки, бу каби тезкор ҳаракатдан аввало аҳоли, қолаверса, депутатлар ҳамда мутасаддиларнинг ўзлари ҳам хурсанд бўлишди.

Шу куннинг ўзида бир қатор оилавий муаммолар, туманда марказий кўчага янги йўл очиш бўйича мурожаатлар ҳам ўрганилди.

Мисол учун, Гулчеҳра Носиржонова 3 нафар эгизак фарзандни боқишда, уларнинг саломатлиги билан боғлиқ қийинчиликлар ҳақида гапирди. Фуқаро мурожаати бўйича туман тиббиёт бирлашмасидан болаларнинг ҳолидан хабар олиши учун шифокор ва ҳамшира ажратиладиган бўлди. Ижтимоий ёрдам масаласи ҳам кўриб чиқилиши инобатга олинди.

Фуқаро Дилшод Набиев эса 17-умумий ўрта таълим мактаби жойлашган кўчанинг бошига светофор ўрнатиш зарурлигини айтди. Ушбу масала вилоят Кенгаши депутати Зулфия Зокирова томонидан ўрганилиб, 10 кун ичида жавоб берилиши таъкидланди.

Шу куни аҳолидан тушган 18 мурожаатнинг 5 таси жойида ҳал этилди. Қолгани депутатлар томонидан мутахассисларни жалб этган ҳолда 10 кун ичида ўрганилиб, ижобий ҳал қилиниши ва фуқороларга маълумот берилиши билдирилди.

**Ўзбекистон ХДП**
**Тошкент вилоят кенгаши**
**Ахборот хизмати.**

*Мулоқотда қатнашган 100 нафарга яқин киши турли масалаларда мурожаат қилдилар. Мурожаатларнинг аксарияти коммунал соҳага тегишли бўлиб, улар атрофлича ўрганилди. Айрим масалалар жойида ҳал этилди.*

*Лойиҳа қонун шаклида кучга киргач, давлат идораларига эмас, халқ манфаатига хизмат қилиши керак.*

ХДП ФРАКЦИЯСИ ПОЗИЦИЯСИ

# «Ҳавола меъёрлар аҳоли манфаатларига зид», деб ҳисоблаймиз

**Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қатор қонун лойиҳалари муҳокама қилинмоқда. Сиёсий партияларнинг фракциялари аъзолари лойиҳаларга мақсад ва вазифалари, ғоялари нуқтаи назаридан турли фикр-мулоҳазалар билдирмоқда. Халқ демократик партиясининг фракцияси ҳам бевосита дастурий мақсадлари асосида, аҳоли манфаатларига хизмат қилувчи таклифларни илгари сурмоқда.**

Хусусан, "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги, "Инновацион фаолият тўғрисида"ги, "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги ҳамда бошқа лойиҳалар юзасидан ўз позициясини белгилаб олди. ХДП депутатлари қонунлар энг аввало аҳоли манфаатларига хизмат қилиши кераклигини таъкидламоқда. Уларга ўзгартириш ва қўшимча киритиш билан амалий натижага эришиб бўлмаслиги, ҳавола меъёрлардан бутунлай воз кечиш зарурлиги қайд этилмоқда.



Қодир БУМАТОВ олган сурат.

**Шербек БЎРОНОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:**

— Қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши энг аввало, бирор-бир соҳа ёки тизимни ислоҳ этиш, ривожлантириш ҳамда ижобий натижаларга хизмат қилиши зарур, деб ҳисоблайман. Шунинг учун таклифлар тайёрлашда унинг натижаси ҳақида бош қотиришимиз керак. Бу ўзгартириш кимга нима беради, деган савол атрофида атрофлича ўйлаб кўриш лозим.

Масалан, "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги лойиҳани ўрганиш давомида айрим жиҳатлар эътиборимни тортди. 6-модда корпоратив ва инфратузилма облигацияларини чиқариш шартлари, деб номланади. Унга кўра айрим тартиблар бекор қилиниб, тизим соддалаштирилиши назарда тутилган. Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилиши айтилмоқда. Давлат иштироки 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган ташкилотлар инфратузилма облигацияларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда чиқаради.

Қонун лойиҳасига ушбу янги меъёрлар таклиф этиляпти. Лекин бу тўғридан-тўғри ишлайдиган қонунлар қабул қилиниши шарт, деган тамойилга зиддир. Чунки таклиф этилаётган иккала бандда ҳам ҳавола меъёрлар кўзда тутиляпти. Яъни, қонунчилик талаблари асосида амалда ошириладиди, деб ёзилган. Ўйлашимча, бу каби меъёрларни ўзгартириш лозим. Агар қонунда аниқ ёзиб қўйилмаса, эртага у турли норозиликларга олиб келиши турган гап. Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли органлар томонидан белгиланади, деб келтирилган. Бу бўйича ҳам аниқ йўналиш ва меъёрлар киритилиши лозим. Акс ҳолда, бу каби жумлалар қонунларнинг тўғридан-тўғри ишлашига тўсқинлик қилади.

Бир сўз билан айтганда, таклиф этилаётган лойиҳа қонун шаклида кучга киргач, давлат идораларига эмас, халқ манфаатига хизмат қилиши керак. ХДП фракцияси аҳоли манфаатларини ифода этувчи, тўғридан-тўғри ишловчи қонунлар ишлаб чиқилиши тарафдоридир.

**Дилором ИМОМОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:**

— Парламентнинг қуйи палатасида муҳокама қилинаётган Ер кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур лойиҳа Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш концепциясини амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси" асосида ишлаб чиқилган. Унда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини иккиламчи ижарага бериш, шунингдек, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларида мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини сақлаб қолган ҳолда, ер участкасини вақтинча фойдаланиш учун бериш шаклини амалиётга жорий қилиш масалалари назарда тутилган.

Айни пайтда мазкур лойиҳа концептуал жиҳатдан керакли. Бироқ ундаги айрим жиҳатларга эътибор қаратиш лозим. Мисол учун, ижарага бериш тартиби бўйича аниқ тартиб белгиланиши талаб этилади. Яъни, ҳар ким ўз хоҳишига кўра ижара миқдорини қўйиб олмаслиги, фуқаролар такрорий экин экиб, қуйиб қолмаслигини таъминловчи меъёрлар ҳам киритилиши зарур. Бунда албатта, ернинг ҳосилдорлиги, иқлим шароити ҳам ҳисобга олинади. Шунингдек, сувдан фойдаланиш масаласи муҳим саналади. Чунки суғориш, ўғитлаш ишлари бевосита ҳосилдорликка таъсир қилади. Фақатгина ерни ижрага бериш билан масала ҳал бўлмайди. Энг кичик жиҳат ҳам муҳим ҳисобланади, назаримда.

Лойиҳа пишиқ-пухта ишланса, ўзгартиш ва қўшимчалар мамлакатимизда ерга оид муносабатларни эркинлаштиришда, тадбиркорлик, деҳқончилик ва боғдорчилик ишлари учун қулай шароит яратишга хизмат қилади.

**Мақсуда ВОРИСОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:**

— Партиямиз дастурида аҳолининг саломатлигини сақлаш масаласи алоҳида ўрин тутади. Хусусан, дори воситалари ва фармацевтика фаолияти билан боғлиқ муаммолар ечими, турли ирсий хасталикларни даволаш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар биз учун жуда муҳим саналади.

Шу жиҳатдан "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси муҳим, деб ҳисоблайман. Лойиҳа Президентнинг "Кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий-генетик касалликларга чалинган болаларга тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатишни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида" қарори асосида ишлаб чиқилган. Унда кам учрайдиган (орфан) касалликларни даволашда ишлатиладиган тиббий буюмлар импорти давлат рўйхатидан ўтказилмасдан амалга оширилишини назарда тутувчи қатъий меъёр киритиш вазифаси белгиланган.

Фракциямиз аъзолари лойиҳанинг 24-моддасига "орфан дори воситалари ва тиббий буюмлари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги буюртмаси асосида импорт қилинадиган ўта хавфли касалликлар профилактикасида қўлланиладиган дори воситалари ва уларнинг "in vitro" ташхиси тиббий буюмларини импорт қилиш давлат рўйхатидан ўтказилмасдан амалга оширилади", деган қатъий меъёр киритишни таклиф этмоқда.

Бу орқали кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд аҳолига ҳам қатор қулайликлар яратилади, деб ўйлаймиз.

**Қизилгул ЭРМАТОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:**

— Инсон организмининг дори воситаларига бўлган реакцияси ҳар хил. Фаолиятим давомида бунга кўп бора гувоҳ бўлганман. Ким учундир оддий ва енгил бўлган дорилар бошқа бировга кучли таъсир қилиши мумкин. Шу ўринда, мазкур лойиҳага яқин бўлган "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси ҳақида ҳам тўхталиб ўтмоқчиман.

Жиноят кодексининг 186 прим 3-моддасида сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш ёки дори воситаларини дорихоналардан ва уларнинг филиалларидан ташқарида реализация қилиш тартибини бузиш бўйича жавобгарлик назарда тутилган. Эндиликда ушбу моддага рецепт бўйича дори воситаларини чакана реализация қилиш тартибини бузиш юзасидан ҳам жавобгарликни қўшиш таклиф этиляпти.

Мазмунан шунга ўхшаш қўшимча Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 165 прим 1-моддасига ҳам таклиф қилинган. Унга кўра, таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар рўйхатига киритилган дори воситаларини рецепт бўйича чакана реализация қилиш тартибини бузганлик учун жавобгарлик кучайтирилмоқда.

Кейинги йилларда кучли таъсир қилувчи дори воситалари билан боғлиқ кўнгилсиз ҳолатлар кўпайиб бораётганини ҳисобга олиб, Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларни қўллаб-қувватлаш керак. Чунки нотўғри ёки керагидан ортиқча қўлланилган дори воситалари одамни зарарли, ҳатто қайтариб бўлмас оқибатларга олиб келиши мумкин. Шу билан бирга, бу масалада кенг жамоатчилик ўртасида тушунтириш ишларини кучайтириш, аҳолининг хабардорлик даражасини ошириш зарур. Бу борада назоратни кучайтириш, дорихона маъмуриятининг жавобгарлигини ошириш лозим. Рецептсиз бериш тақиқланган дориларни сотганлик учун маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилиши мумкинлиги ҳақида қатъий огоҳлантирилса, кимдир зарар кўришининг олди олинади, деб ўйлайман.

ХДП фракцияси аъзолари "Инновацион фаолият тўғрисида"ги қонун лойиҳаси бўйича ҳам қатор таклифларига эга. Депутатлар лойиҳанинг тилини соддалаштириш, инновацион фаолият билан боғлиқ муносабатларни аниқ-равшан акс эттириш, иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида бу масалага алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги таъкидлади.

**Ўз мухбиримиз.**

ЮЗМА-ЮЗ



# ҲАЁТДАН РОЗИ БЎЛИБ ЯШАШГА ҲАММА ҲАҚЛИ

Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида аҳоли муаммоларига ечим топиш, уларни эртага эмас, бугун яхши яшаши учун шароит яратиб бериш юзасидан олдимизда катта вазифалар турганлигини, шу билан бирга аҳоли муаммолари билан ишлашда мутлақо янги тизимга – сифат жиҳатидан янада юксак босқичга ўтилиши ҳақида маълум қилган эди. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон ХДП тизимида аҳоли билан доимий мулоқот қилиш, уларни қийнаётган муаммоларни ҳал этиш мақсадида жойларда учрашув ва очиқ мулоқотлар ўтказилиб, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда депутатлик назорати ўрнатилмоқда.

Жумладан, 2020 йил 13 февраль куни Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот туманида **"Аҳоли билан мулоқот: муаммо, ечим ва самара"** мавзусида тадбир ўтказилди. Унда Халқ демократик партияси Қорақалпоғистон Республика Кенгаши масъул ходимлари, ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Меҳрожиддин Дархонов, партия фаоллари ва маҳаллий Кенгаш депутатлари ва бошқа мутасаддилар иштирок этди. Тадбирда асосий диққат-эътибор аҳолини қийнаб турган муаммолар ва уларни бартараф этишга қаратилди.

Шу жойнинг ўзида барча корхона ва ташкилот вакиллари соҳа йўналишига қараб алоҳида секцияларга бўлиниб, фуқароларни қабул қилишди.

**Қуйида фуқаролардан тушган саволлардан мисоллар келтирамиз:**

– Бизнинг «Адабиёт» маҳалла фуқаролар йиғинида ичимлик суви, газ йўқ, — дейди **фуқаро Жуманазар Зарликов.** — Шунингдек, ички йўлларимиз ҳам таъмирталаб. Бизга ана шу масалаларни ҳал этишда ёрдам берсангиз.

— "Таллиқ" маҳалласида 3320 аҳоли яшайди, — **дейди маҳалла котиби Пўлат Қазақбаев.** — С.Сейтжанов кўчасининг 7 километри ниҳоятда таъмирталаб. Ушбу масала юзасидан мурожаат қилмоқдамиз.

— Мен Қозоғистон Республикаси Чимкент вилоятидаги олий таълим муассасаси талабасиман, — дейди **Бозорбой Абдураҳманов.** — Ўзбекистондаги олий таълим муассасасининг бирига ўқишимни ўзгартиришга ёрдам сўрамоқдаман.

— Мен "Таллиқ" маҳалласида яшайман, — дейди **фуқаро Жумабой Мирзабаев**. — Икки қизимни ишга жойлаштириш муаммо бўлиб турибди. Бу масалада туман ҳокимига мурожаат қилган эдим. Натижа йўқ. Ишга жойлаштиришда ёрдам берсангиз.

Албатта, мутасаддилар томонидан аҳолининг бу каби мурожаатлари муддатидан кечиктирилмай бартараф этиш чоралари кўрилади. Ҳудуддаги ижтимоий муҳит ўрганилиб, аҳоли муаммоларини ҳал қилиш бўйича қатъий депутатлик назорати ўрнатилади.

— «Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун" деган эзгу ғояни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида Қўнғирот тумани аҳолиси билан учрашув ва очиқ мулоқотни ташкиллаштирмоқдамиз, — дейди **Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қорақалпоғистон Республика Кенгаши раиси Халилла Ешимбетов**. — Маҳаллаларда ечимини кутаётган масалалар, хусусан, кўча ва йўлларни таъмирлаш, электр энергияси ва сув таъминотини яхшилаш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлаш юзасидан келиб тушган мурожаатлар мутахассислар томонидан ўрганиб чиқилмоқда. Қўнғирот туманида бугунги ўтказилаётган сайёр қабулда барча масалалар атрофлича ўрганилиб, ўз вақтида ижобий ечим топишига ҳаракат қиламиз.

Юртбошимизнинг ташаббуси билан халқимиз орасида бўлиш, муаммоларини ўрганиш, уларнинг дарду ташвишларини тинглаш, оғирини енгил қилиш, муносиб турмуш шароитларини яратиб беришда партия ходимлари ҳар қачонгидан фаол иштирок этмоқда. Шу мақсадда аҳоли билан очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, муаммоларни аниқлаш, мурожаатлар кўриб чиқилишини таъминлашда самарали механизм пайдо бўлди.

— Туманимиздаги 34-сонли мактаб иқтисослашган бўлиб, 290 ўринга мўлжалланган. Бугунги кунда 650 ўқувчи икки сменада ўқиб келмоқда, — дейди **директор ўринбосари Илҳам Алланиёзов.** — Мактабимизнинг биносини кенгайтириш масаласи бизни қийнамоқда. Болалар мактабга сиғмаяпти. Шунингдек, инглиз тили фани ўқитувчилари етишмайди. Бундан ташқари, мол бозор мактабга яқин жойда жойлашган. Ана шу масалалар бизни қийнаб келмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, сайёр қабул чоғида барча фуқароларнинг муаммолари, таклифлари тингланиб, унинг бажарилиши юзасидан тегишли ташкилот ва корхоналар томонидан назоратга олинди. Очиқ мулоқот давомида ҳеч ким давлат ва жамият эътиборидан четда эмаслиги яна бир марта намоён бўлди. Халқимизнинг ҳаётдан рози бўлиши учун янада кенг имконият ва шарт-шароитлар яратилаётганлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

**Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# ПАРТИЯМИЗ НЕГА КУТИЛГАН НАТИЖАГА ЭРИШОЛМАДИ?

САЙЛОВЛАР ВА САБОҚЛАР

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан олган таассурот оғушидаман. Мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳалари ва аҳолининг ҳамма (эндигина тетапоя бўлган болакайлардан то кўпни кўрган кексаларгача) қатламларига дахлдор муаммо, ғоя ва вазифалар, таклиф ва топшириқлар унда барчага тушунарли этиб баён этилган. Президентимиз, жумладан, ортда қолган йилнинг адоғида бўлиб ўтган сайловлар ҳақида бундай деди: «Халқаро кузатувчилар сайловлар эркин рақобат муҳитида, сиёсий партиялар ўртасидаги қизғин тортишув ва баҳс-мунозаралар шароитида ўтганини, бу жараёнда оммавий ахборот воситалари роли сезиларли даражада ошганини алоҳида эътироф этдилар». Давлатимиз раҳбари бу ижобий ҳолатни таъкидлаш билан бирга навбатдаги вазифаларга эътиборимизни тортди: **«...сайлов комиссиялари ва аҳолининг сайлов маданиятини юксалтириш, сиёсий партияларнинг ўз электорати билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш, партияларнинг фаоллигини ошириш олдимизда турган муҳим масалалардан биридир».**

Бу фикрлар мустақилликнинг дастлабки даврларидан бошлаб сайловларда мунтазам қатнашиб, мамлакатимиздаги демократик жараёнлар ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган Ўзбекистон Халқ демократик партиясига ҳам тўла тааллуқлидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, партиямизнинг сайловдаги натижаларига танқидий назар ташлаб, қилолмаган ишларимиз тўғрисида рўй-рост гапириш фойдадан ҳоли бўлмайди. Хусусан, парламент сайловида ЎзХДП кўрсаткичлари кутилгандан паст бўлганини тан олмасликнинг иложи йўқ. Бу кўрсаткичнинг (22 депутат) ўтган сайловларга қараганда ҳам (27 депутат) пастлиги, унинг қуйидан иккинчи ўринга тушиб қолгани кишини ўйлантиради. Нега бундай бўлди? Нима сабабдан юртимиздаги энг тажрибали, курашларда тобланган, миллий мустақиллигимизни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётган сиёсий партиянинг сайловларда иштироки натижалари кўпчиликни асло қаноатлантирмайди? Партия раҳбарияти бу ва шунга ўхшаш бошқа саволларга жавоб бериш учун чуқур таҳлилий ишларни амалга ошириб, тегишли хулосалар чиқаради, деган умиддамиз. Бу ишга бутун партияни, ҳаттоки, бизга хайрихоҳ партиясиз тарафдорларимизни ҳам жалб этиш, уларнинг бу тўғридаги фикр-мулоҳазаларини инобатга олиш керак, деб ҳисоблайман.

Менимча, мамлакат парламентига бўлиб ўтган охирги сайловларда партиямиз мағлубиятининг бир қанча сабаблари бор. Энг биринчиси – «янги сайловларга тайёргарлик охирги сайлов бўлиб ўтган куннинг эртасига бошланади» деган кенг тарқалган ақида мавжудлигига қарамасдан, 2019 йил сайловларига ҳозирлик кўриш кеч бошланган, деб ўйлайман. Партиямизнинг собиқ раҳбарлари 2014 йилги сайловлар натижаси ҳам биз учун қониқарсиз бўлганлигидан хулоса чиқармадилар, Олий Мажлисда ЎзХДП мавқеи тушиб кетганига парво қилмадилар, чунки ўзлари депутатлик мандатини қўлга киритган эдилар.

Ортда қолган сайловолди даврида ўтказилган йиғилишлар, пленумлар, конференция ва ҳоказолар асосан ЎзХДПнинг ўз аъзолари ва фаолларга мўлжалланган партиявий-ташкилий тадбирлар бўлиб, уларда кўпроқ электоратни қизиқтирган долзарб ижтимоий муаммолар эмас, балки ички-партиявий масалалар кўрилар, сайловчилар билан тизимли ишлаш йўқ эди. Айтиш мумкинки, электорат таркиби ва ривожланиш тамойилларини, эҳтиёж ва талабларини, одамларни қийнаётган муаммоларни, уларнинг кайфиятини тизимли ўрганиб бориш мақсадида социологик тадқиқотлар ўтказиш, сайловчилар билан юзма-юз мулоқотларда билдирилган муаммоларини ҳокимият идораларига етказиб, ижросини назоратга олиш тизими яратилмади. Мана бир мисол: ўтган йили ЎзХДП органи – «Голос Узбекистана» газетаси партия электорати ҳисобланган имконияти чекланган, аравачада ҳаракатланишга мажбур бўлган кишиларнинг Тошкент метрополитенидан фойдаланишлари учун қулайлик яратиш, яъни бекатларга тушиб-чиқиш зинапояларида пандусларни қуриш лозимлиги масаласини кўтарди. Аммо газетанинг бу долзарб муаммо бўйича чиқишига Тошкент метрополитени раҳбарияти ва шаҳар маъмурлари томонидан эътибор қилинмади. Таассуфки, электорати муаммоси кўтарилган партиямиз раҳбарияти ҳам, Олий Мажлисдаги фракциямиз ҳам газетанинг чиқишини қўллаб-қувватламади. Ваҳоланки, жисмоний имконияти чекланган фуқаролар партиямиз электоратининг каттагина қисмини ташкил этади.

Сайловларда иштирок этишга бел боғлаган ҳар қандай сиёсий партиянинг муҳим вазифаларидан бири сайловолди ҳужжатлари, хусусан, сайловчиларга тақдим этиладиган дастурида ўз электоратини, ҳаттоки бутун аҳолини ташвишлантираётган масалаларни ва уларни ечишнинг йўл ва воситаларини таклиф этишдир. Унинг асосида ҳар бир депутатликка номзод ўз сайловолди дастурини ишлаб чиқиб, фуқаролар диққатига ҳавола этади. Шунинг учун сайловолди дастури одамлар диққатини қанчалик тортадиган, унда кўтарилган мавзулар уларга қанчалик яқин, таклифлар тушунарли ва реал бўлса, партиянинг тарафдорлари шунча кўп бўлади. Бунинг учун, юқорида айтилганидек, электорат ва унинг эҳтиёжу талабларини, мамлакатдаги вазият ва имкониятларни ҳисобга олган ҳолда таҳлил этиш, долзарб масалалар юзасидан фуқароларнинг фикр-мулоҳаза, талаб ва таклифларини ўрганиш зарур. Марказий Кенгаш партиямизнинг кейинги сайловолди дастурини ишлаб чиқишни анча олдин бошлагани ва лойиҳа муҳокама учун маҳаллий партия ташкилотларига жўнатилгани рост. Аммо ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ва унинг муҳокамаларида электорат вакиллари жалб этилдиларми? Ҳужжатнинг қабул қилинган вариантида сайловчиларимизнинг қанча таклиф ва истаклари киритилди? Нега сайловолди дастур лойиҳаси бошқа тилда ёзилиб, кейин ўзбекчага таржима қилинди? Ваҳоланки, бунинг тескариси бўлмоғи лозим! Сайловларда тақдим этилган дастурларимизни ана шу нуқтаи назардан танқидий таҳлил этиб, холис баҳо берсак, келгусида хатолар такрорланмаслиги мумкин.

Сиёсий партияларнинг сайловларда муваффақиятли иштирок этиши учун яна бир зарур омил, бу – кадрлар, аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, депутатликка номзодларни тўғри танлашдир. Тажрибадан биламизки, сайловчи, очиғини айтганда, кўпчилик ҳолларда сиёсий партия ва унинг сиёсати ёки дастури учун эмас, балки ёрқин шахс бўлган номзод учун овоз беради. Демак, депутатликка номзод ўзининг ишлари, жамиятдаги муайян хизматлари, юриш-туриши, ахлоқ-одоби, одамларнинг дарду ташвишларини биладиган ва уларнинг манфаатлари учун курашга тайёр, қўлидан иш келадиган инсон бўлмоғи керак. Партиямиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатган барча номзодлар ушбу талаблар асосида танландими? Бунда электоратнинг у ёки бу бўлажак номзодга мойиллиги ҳам аниқландими? Агар партиямиздан депутатликка номзодлар шундай мезонлар асосида сараланган бўлса, Олий Мажлис депутатлигига номзодларимизнинг кўпчилиги нега сайланмай қолди? Мамлакат парламентига Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Навоий, Сирдарё ва Хоразм вилоятлари партия ташкилотлари кўрсатган биронта ҳам депутат йўқлигини қандай изоҳлаш керак? Бу муваффақиятсизлик учун ким жавоб беради? Бу саволларга тўғри жавоб топмасак, хатоларни такрорлашимиз мумкин.

Яна бир муҳим сабоқ шундан иборатки, сайловларга тайёргарлик кўриш жараёнларида барча имкониятлар, масалан, партия органлари – «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарининг имкониятларидан тўла фойдаланмаслик бўлди. Партиянинг собиқ раҳбарияти ташкилотнинг сиёсати, ўткир муаммоларга оид ёндашув, таклиф ва сўзини электоратга етказишда ОАВнинг ролини тушунмай, газеталаримизга обунани ташкил этиш билан шуғулланмади, зарурат туғилганида, таҳририятга молиявий кўмак бермади, натижада ададлари тушиб кетиб, оммага таъсири пасайди. Бунинг оқибатлари ҳозир ҳам сезилмоқда.

Шунингдек, сайловолди мавсумда ЎзХДП сафларидаги энг тажрибали қатлам – фахрийлар имкониятларидан етарлича фойдаланилдими? Нега долзарб паллада Марказий Кенгаш ва маҳаллий партия кенгашлари ҳузуридаги фахрийлар клубларининг салоҳияти ишга солинмади? Имкониятлардан бундай фойдаланмаганлик каби мисоллар рўйхатини давом эттириш мумкин. Бироқ бугун гап фақат хатоларни очиб ташлашда эмас, келажакда уларга йўл қўймасликка бориши тўғри бўлади. Клубларнинг ишини жонлантириш, фахрийларнинг билим ва катта ҳаёт тажрибасидан самарали фойдаланиш тизимини яратиш вақти келди.

Хулоса қилиб айтганда, ҳаёт партиямиз Марказий Кенгаши ва қуйи ташкилотларидан ўтган давр давомида йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш учун бошлаган саъй-ҳаракатларни изчил ва тизимли тарзда олиб бориш, бунда ноанъанавий иш шакллари, айниқса, электорат билан бевосита ишлашнинг инновацион усул ва воситаларидан кенг фойдаланишни йўлга қўйишни тақозо қилмоқда.

**Собир ҚУРБОНОВ,**
**ЎзХДП фаоли.**

*Мўйноқ биқинидаги аянчли манзаралар талабаларни бефарқ қолдирмади. Улар "Орол музейи", "Кемалар қабристони"ни ҳам бориб кўришди.*

# САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ТАЛАБАЛАРИ МЎЙНОҚДА




**Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Самарқанд давлат университети бошланғич ташкилоти етакчилари ҳамда бир гуруҳ фаол талабалар Қорақалпоғистоннинг Мўйноқ туманида амалга оширилаётганислоҳотлар билан танишиш мақсадида Оролбўйига боришди.**

Самарқанддан роппа-роса ўн икки соатда етиб келган поезд Нукус вокзалида тўхтади. Йўлнинг узоқлиги ва чарчоғига қарамасдан, фаол ёшлар "Қайдасан, Мўйноқ?", дея манзил сари ошиқдилар.

Одатда Оролбўйи ҳақида гапирилганда, кўз олдимизга кенг саҳро ва чўл келади. Аммо талабаларнинг илк таассуротлари кутилганидан бошқача бўлди. Нигоҳлар ҳайҳотдек чўл қўйнида обод ва ораста, замонавий шаҳарга тушди, бундан бениҳоя ҳайратланишди.

СамДУ талабалари Президентимиз ташаббуси, саъй-ҳаракати билан бу масканда амалга оширилган ўзгаришларга, замонавий инфратузилма такомилга етаётганига бевосита гувоҳ бўлди. Бетакрор иншоотлар, спорт ва умумтаълим мактаблари, савдо ва маданий-маиший бинолар, ёшлар меҳнат гузарлари, "Нуронийлар маскани", мактабгача таълим муассасалари барпо этилгани аҳолига кўплаб қулайлик яратилгани киши қалбини фахрга тўлдирди. Бу ерда экологик вазиятни яхшилаш, аҳолининг яшаши учун қулай шароит яратиш мақсадида ҳамжиҳатлик билан курашаётган замондошларимизни кўриш мумкин.

Шу кунларда 2017-2021 йилларга мўлжалланган Давлат дастури асосида Мўйноқ туманида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Қўнғиротдан Мўйноққача бўлган 101 километрлик масофага қувур ётқизилиб, бу ерга тоза сув келтирилди, одамларнинг асрий орзуси рўёбга чиқди.

Йўл-йўлакай Мўйноқ биқинидаги аянчли манзаралар талабаларни бефарқ қолдирмади. Улар "Орол музейи", "Кемалар қабристони"ни ҳам бориб кўришди. Ўтган асрнинг фожиасига биринчи бор рўбару келган ёшларнинг қалби титради.

– Чўл қаърида йўқолиб кетган Орол денгизининг рутубатли манзараси гувоҳи бўлдик, – дейди **ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти етакчиси Ҳусан Тўхтаев.** – 1960 йиллардаги денгиз харитасини кўздан кечирдик. Минг афсуски, бугун мана шундай катта денгизда сув йўқ. Йигирманчи асрнинг энг катта фожиаси, инсоният олдидаги катта синов, экологик таназзул эди бу манзаралар. Аслида, Орол денгизининг майдони 66458 квадрат километр, ўртача чуқурлиги 20-25 метр, энг чуқур жойи эса 67 метр бўлгани ҳақида илмий асослар мавжуд. Бугун эса мана шу улкан сув ҳавзаси деярли кўлмакка айланиб қолган. Денгизнинг суви кейинги 50-55 йилда 15 мартадан зиёд камайиб, сув сатҳи 25 метрга пасайган, ҳудудда 5,5 миллион гектар тузли қум майдонлари ҳосил бўлган. Бу бизнинг табиатга бўлган муносабатимизни ўзгартиришга, табиат неъматларини асрашга ундайди. Ҳозир бу ерда минглаб гектар майдонларга чўл гиёҳлари, саксовул ва иқлимга мос, чидамли ниҳоллар экилмоқда. Орол денгизининг қуриган ҳудудида иқлимбоп қандим, черкес сингари ўсимликлар экилиб, тузли чанг-тўзон кўчишининг олди олинаяпти. Қум барханлари кўчишининг, тузланишнинг шашти пасайтирилмоқда. Бунга талабалар ҳам ўз ҳиссасини қўшди.

– Самарқанд давлат университетининг 15 нафар талабаси билан саксовул экиладиган чўл ҳудудига келдик, – дейди **Аллаёр Норбоев**. – Биз 2 гектар майдонга саксовул экдик. Мутахассислар фикрича, саксовулнинг кўкаришига 20 фоизгача кафолат бор экан. Шамол, чанг-тўзонга қарамасдан, кўплаб фидойи юртдошларимиз ушбу эзгу ҳашарда иштирок этмоқда. Ўтказилган саксовуллар келажакда табиатимизнинг, экологик муҳитнинг яхшиланишига хизмат қилишидан умидвормиз.

СамДУ ёшлари ўтган йили ҳам профессор-ўқитувчилар ва талабалар билан Оролбўйига бориб, илмий изланишлар ўтказган ҳолда дарахтлар экканди. Бу анъана давом этмоқда. Зеро, Ватанимизнинг ҳар бир қарич ери учун барчамиз бирдек масъулмиз.

**Амриддин ЗАЙНИЕВ,**
**Самарқанд давлат университетининг 2-босқич талабаси.**



# ТУРАР ЖОЙНИ НОТУРАРГА АЙЛАНТИРИШГА ҲОКИМНИНГ ҚАРОРИ КЕРАК БЎЛМАЙДИ

Давлат томонидан тартибга солиш ва давлат хизматларини кўрсатиш сифатини янада такомиллаштириш, маъмурий тартиб-таомилларни қисқартириш, давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш, бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ҳамда 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Бюрократик тўсиқларни янада қисқартириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойилларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги **ПҚ-4546-сон қарорига асосан 2020 йил 1 январдан бошлаб** маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг функциялари ва ваколатлари тегишли давлат бошқаруви органлари ҳудудий бўлинмаларига ўтказилди.

Қарорга мувофиқ, турар жойларни нотурар жой тоифасига ўтказишга рухсат бериш давлат хизмати бўйича 2020 йил 1 январдан бошлаб туман (шаҳар) ҳокимларининг қарор чиқариш тартиби бекор қилиниб, уларнинг ваколатлари туман (шаҳар) қурилиш бўлимларига ўтказилди ва амалда қарор ижроси таъминланди.

Яъни бугунги кунда туманлар (шаҳарлар) қурилиш бўлимлари томонидан турар жойни нотурар тоифасига ўтказишга рухсатнома бериш тизими ишга тушди.

Бу орқали, мазкур соҳадаги давлат хизматлари кўрсатиш бизнес жараёнининг бир неча мартага қисқаришига, сифатининг ошишига, энг муҳими қонунбузилиши ҳолатларининг олди олинишига эришилади. Рухсатнома 8 кун муддатда шакилланади ва QK асосида ваколатли идоранинг масъул ходими томонидан амалга оширилади.

Бу тартиб жорий қилингунига қадар бўлган жараённи таҳлил қиладиган бўлсак, 2019 йилнинг ўзида Тошкент шаҳри кесимида ушбу давлат хизматидан фойдаланиш бўйича 1402 та ариза келиб тушган бўлса, улардан 1033 таси қаноатлантирилган. Бироқ, қаноатларнтирилган аризаларни кўриб чиқишда қатор қонунбузилиши ҳолатларига ҳам йўл қўйилган, яъни 433 та аризани ижро муддати бузилган, 219 та ҳолатда эса асоссиз рад этиш каби қонунбузилишларига йўл қўйилган.

Асоссиз рад қилиш кўчмас мулк эгасининг ўз мулкидан ўз хоҳиши бўйича фойдаланиш ҳуқуқи, яъни мулк ҳуқуқига бўлган конституциявий ҳуқуқлари бузилиши тушунилади.

Йўл қўйилган қонунбузилиши ҳолатларининг таҳлили шуни кўрсатадики, аксарият ҳолатларда туман қурилиш бўлимлари томонидан турар жойларни нотурар жой тоифасига ўтказиш бўйича ижобий хулоса тақдим этилганлигига қарамасдан, туман (шаҳар) ҳокимларининг тегишли қарорлари чиқиш ҳолати кечиктирилган ёхуд қарор чиқариш жараёни бутунлай тўхтаб қолиб, аризалар асоссиз равишда рад этилган.

Бу эса, ўз навбатида қанчадан-қанча тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятларини бошлашига ёки ривожлантиришига тўсиқ бўлиши билан бир қаторда, 1400 дан ортиқ иш ўринлари ва давлат бюджетига қўшимча солиқ тушумларининг тўланмасдан қолишига сабаб бўлган.

Президентимиз томонидан тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашда ҳамда иш ўринларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда ва бу борада тадбирколик субъектларига кенг имкониятлар ҳамда афзалликлар яратиш мақсадида қатор фармон қарорлар қабул қилинмоқда. Жаҳон халқаро тажрибасида мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг бугунги кундаги бирламчи йўналиши сифатида тадбиркорлик соҳаси энг асосий лакоматив ролини ўйнайди.

Маълумки, бугунги кунда тадбиркорларни қийнаётган энг асосий муаммолардан бири – бизнес фаолиятини бошлаш ва йўлга қўйиш учун нотурар жой объектларининг етишмовчилиги деб айтиш мумкин.

Эндиликда, бу каби қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйиш бартараф этилиб, фуқаролар ва тадбиркорларга сифатли ва шаффоф давлат хизматлари кўрсатилишига эришилади.

**Жамшид ЮСУПОВ,**
**Давлат хизматлари агентлиги Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи ўринбосари.**

**БРИФИНГ**

**Куни кеча Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан ўтказилган брифингда изланувчилик, тадқиқот ишларини олиб бориш, илмий ишни ҳимоя қилишда қулайликлар яратиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар хусусида маълумот берилди.**

# Икки ҳимоя тизимли диссертация ёқлашни ташкил этиш

### *ва илмий даражаларни талабгорларга мустақил бериш амалиёти жорий этилмоқда*

Бинар (икки ҳимоя) тизими асосида тайёрланган диссертация – ўрнатилган тартибда мавзуси тасдиқланиб, назарий тадқиқотлар ва илмий натижаларни амалиётга жорий қилиш жараёни икки нафар изланувчи томонидан ҳамкорликда ташкил этилган, тадқиқотнинг мазмун-моҳияти белгиланган талабларга жавоб берган, тугалланган ва мазмунан яхлит илмий иш сифатида назарий илмий янгиликлари тизимли равишда асосланган (фан доктори (DSc) учун) ва инновацион илмий янгиликлари амалиётга мақсадли жорий этилган (фалсафа доктори (PhD) учун) қўлёзма ҳуқуқига эга бўлган илмий асар ҳисобланади.

Бу тизим асосида диссертация тайёрлаш, уни ҳимоя қилиш ва талабгорларни тегишли равишда фан доктори (DSc), фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларида тасдиқлаш олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш ва уларни аттестациядан ўтказишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган қоидаларга риоя қилган ҳолда бинар ҳимоя тизими асосида диссертация ҳимоясини ташкил қилиш муайян фан тармоғи бўйича битта диссертация икки нафар, жумладан, фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига талабгор ва илмий даражага эга бўлмаган шахс томонидан тайёрланиши мумкин.

Шуни таъкидлаш лозимки фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун талабгор ўз илмий фаолиятини мустақил изланувчилик институти асосида олиб боради. Илмий кенгаш илмий даражаларни бериш (бермаслик) тўғрисида ягона қарор қабул қилади ва бу қарор ҳар икки талабгорга нисбатан тенг қўлланади.

Бир сўз билан айтганда, бинар (иккиталик) ҳимоя тизими инновацион хусусиятга эга тадқиқотларни ривожлантириш, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини чуқурлаштириш, илмий натижаларни амалиётга тезкор жорий этишнинг самарали механизмларини йўлга қўйишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Шунингдек, брифингда, илмий даражаларни бериш ваколатини босқичма-босқич равишда илмий кенгашларга ўтказишнинг фундаментал асосини яратиш, иқтидорли ёшларнинг илмий фаолиятга қизиқишини ошириш, қолаверса, жамиятда илмий фаолият нуфузини янада кўтаришга хизмат қилиши таъкидланди.

**Ўз мухбиримиз.**

**ФАРМОН ВА ИЖРО**

# АЙРИМ СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ 2020 ЙИЛНИНГ 1 АПРЕЛИДАН БЕКОР ҚИЛИНАДИ

**Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 29 июндаги "Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида"ги фармони тизимда катта ислоҳотларга омил бўлади.**



Бундай ислоҳотлардан асосий мақсад эса солиқ юки даражасини камайтириш, солиқ қонунчилигини соддалаштириш, соғлом рақобатни таъминлаш билан бирга янада қулай инвестиция муҳитини яратиш ҳамда солиқлар ва тўловларни оптималлаштириш натижасида адолатли солиқ тизимини яратишдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида ўтказилган матбуот анжуманида соҳадаги шу каби ўзгаришлар ҳақида сўз борди.

Давлат солиқ қўмитаси раиси ўринбосари Фазлиддин Умаров 2020 йилдан тугатилаётган солиқ имтиёзлари ҳамда тарифларни тартибга солиш бўйича таклиф этилаётган ислоҳотлар ҳақида маълумот берди.

Таъкидланганидек, соҳада амалга оширилган босқичма-босқич ўзгаришлар 2019 йил 1 январдан бошлаб амалга киритилган. Унга кўра, қатор солиқ турлари бирлаштирилган бўлса, айримлари бекор қилинган. Дейлик, корхонанинг молиявий хўжалик фаолиятига таъсир қилувчи айланмадан олинадиган мажбурий ажратмалар бўлган. Янги талаб бўйича бу ажратмалар ҳам бекор бўлди. Солиқларнинг соддалаштирилиши ва солиқ юкининг камайтирилиши билан бир қаторда амалдаги солиқ имтиёзлари инвентаризация қилинди. Қатор имтиёзлар йиллар давомида ҳужжатда аксини топган, лекин амалда натижасиз бўлган. Яна айрим имтиёзлар бўлганки, улардан фақат алоҳида субъектлар фойдаланиши мумкин эди. Бу эса рақобат муҳитига салбий таъсир кўрсатган. Мисол учун, охирги йилларда жадал ривожланган соҳа – енгил саноатда 40 мингга яқин корхона фаолият кўрсатган бўлса, имтиёзлардан уларнинг атиги 1,5 фоизи фойдаланган холос. Нега қолган корхоналар бу имтиёздан фойдаланмаган, деган савол туғилади. Чунки уларнинг фойдаланиши учун қатор мезонлар белгиланган. Барча солиқлардан озод қилиш, деган имтиёздан фойдаланиш учун енгил саноат соҳасидаги корхона, аввало, уюшмага аъзо бўлиши керак эди.

Таъкидланганидек, 2020 йил 1 январгача амалда бўлган Солиқ кодексида меъёрлар 380 тани ташкил этган бўлса, янги таҳрирдаги Солиқ кодексида бу меъёрлар 301 тадир. Бундан ташқари, ижтимоий таъминот билан боғлиқ беш турдаги меъёр ва имтиёзлар киритилди.

Президентимизнинг 2019 йил 27 июндаги "Солиқ ва божхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонига асосан қишлоқ хўжалиги, қурилиш, импорт, савдо ва бошқа соҳаларда ҚҚС бўйича имтиёзлар, шу билан бирга, автомобилсозлик соҳасидаги индивидуал имтиёзлар бекор қилинган.

– 2019 йил 1 январгача юртимиздаги 300 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъектидан 7 мингтаси қўшилган қиймат солиғини тўлаган, – деди Фазлиддин Умаров. – Бу ислоҳотлардан кейин қўшилган қиймат солиғи тўловчилар сони кўпайиб, 83 мингдан ошди. Бу жараёндаги ўзгаришлар солиқ юкининг ҳаммага тенг тақсимланиши билан изоҳланади.

Матбуот анжуманида янги таҳрирдаги Солиқ кодексидаги меъёр ва имтиёзлар ҳақида ҳам сўз борди. Унга мувофиқ, Солиқ кодексининг эски таҳририда назарда тутилган имтиёзлар 2020 йилнинг 1 апрелидан бошлаб бекор қилиниши белгиланган. Бунда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган таълим, тиббиёт, маданият, маиший хизмат бўйича солиқ имтиёзлари сақланиб қолинди. Иқтисодиётнинг муҳим тармоқлари учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида назарда тутилган имтиёзлар уларнинг амал қилиш муддати тугагунига қадар кучини йўқотмайди.

Шунингдек, янги таҳрирдаги Солиқ кодекси билан солиқ имтиёзлари беришнинг янги принципи жорий этилди. Солиқ кодексининг 75-моддасига асосан айрим солиқлар бўйича солиқ имтиёзлари (ҚҚС, акциз солиғи ва ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқдан ташқари) Президент қарори билан фақат белгиланган солиқ ставкасини камайтириш, лекин кўпи билан 50 фоизга камайтириш ва уч йил муддатга берилиши мумкинлиги белгиланди.

**Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА,**
**ЎзА мухбири.**

**Коррупция демократик ва ҳуқуқ устуворлиги асосларига путур етказади.**

МУНОСАБАТ

# КОРРУПЦИЯ – ЖАҲОЛАТГА ЭЛТУВЧИ ИЛЛАТ

***“Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз”.***



Президентимизнинг парламентга Мурожаатномасида халқимиз азалдан юксак қадрлаб келадиган, ҳамма нарсадан устун қўядиган адолат туйғусини ҳаётимизда янада кенг қарор топтириш биринчи даражали вазифа эканига алоҳида эътибор қаратилди. Жамиятимизда коррупция, турли жиноятларни содир этиш ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатларига қарши курашиш, уларга йўл қўймаслик, жиноятга жазо албатта муқаррар экани тўғрисидаги қонун талабларини амалда таъминлаш бўйича қатъий чоралар кўриш зарурлиги таъкидланмоқда.

Мамлакатимизда ҳам коррупцияга қарши кескин ва муросасиз кураш олиб борилмоқда. Хусусан, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши, шунингдек, Коррупцияга қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссиясининг ташкил этилиши ва коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастурларининг қабул қилинганлиги юртимизда коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган қатор чора-тадбирлар самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилингани бу борадаги изчил саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давоми бўлиб, бундан кўзланган асосий мақсад юртимизда коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлигини янада ошириш, энг юқори даражада қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини яратиш, мамлакатнинг халқаро майдондаги обрўсини ошириш ва мустаҳкамлашга қаратилган.

Айтиш жоизки, ҳозирги глобаллашув, минтақа ва давлатлараро интеграция жараёнлари жадаллашиб бораётган мураккаб бир шароитда коррупция чегара билмас муаммога айланди. Бу иллат келтириб чиқараётган оқибатлар ҳар қандай жамиятни ич-ичидан емириб, уни пароканда қилиб ташлаш хавфини солмоқда. Коррупция демократик ва ҳуқуқ устуворлиги асосларига путур етказади, инсон ҳуқуқларининг қўпол равишда бузилишига олиб келади, иқтисодий ривожланишини издан чиқаради, жамият ва давлат учун ўта хавфли бўлган уюшган жиноятчилик ва терроризмнинг кенг ёйилишига шароит яратиб беради.

Бугунги кунда коррупция муаммоси дунё миқёсида ўз ечимини талаб этаётган биринчи масалалардан ҳисобланади. Шу боис ҳам жаҳон ҳамжамияти бу иллатга қарши кескин курашмоқда. Бу йўналишда бир қатор халқаро ҳужжатлар ҳам қабул қилинган. Хусусан, БМТ ҳомийлигида қабул қилинган коррупцияга қарши курашиш резолюцияси (1995), Давлат мансабдор шахсларининг халқаро ахлоқ кодекси (1996), Халқаро тижорат ташкилотларида коррупция ва порахўрликка қарши курашиш декларацияси (1997), Миллатлараро уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияси (2000), Коррупцияга қарши конвенция (2003) ва бошқалар шулар жумласидандир.

Коррупция ва порахўрликнинг зарарли иллатлари муқаддас Ислом динида ҳам қаттиқ қораланади.

Бировнинг ҳаққини ноҳақ ейиш ҳамда пора берувчи ва пора олувчи ҳам оғир гуноҳкор бўлиши айтиб ўтилади.

Пора араб тилида “ришва” деб аталади, шаръий истилоҳда “Пора ҳақни йўққа чиқариш ва ботилни юзага чиқариш учун бериладиган нарсадир”.

Мисол учун, бировнинг бир нарсада ҳаққи бор, ўша ҳаққни олиш учун ҳокимнинг ҳукмига қараб турибди. Иккинчи бир одам келиб ўзи ҳақдор бўлмаса ҳам ҳокимга пул бериб, ўз фойдасига ўша нарсани беришни сўрайди. Ҳоким ўша ишни қилса, ҳақдорнинг ҳаққи поймол бўлиб, ноҳақдан биров фойдасига ҳукм қилган бўлади. Кўриниб турибдики, бу ҳолатда пора берувчи ҳам, пора олувчи ҳам ноҳақ иш қилмоқда, бировнинг ҳаққига хиёнат қилиб, ўз фойдасини кўзламоқда.

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Пора берувчига ва пора олувчига Аллоҳнинг лаънати бўлсин”, дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам икковларини ҳам ушбу ҳаром ишни қилганлари учун лаънатламоқдалар. Расулуллоҳ соллоллоҳу алайҳи васалламнинг лаънатлари жуда оғир жазодир. Чунки лаънат бировни Аллоҳнинг раҳматидан узоқ бўлишини сўрашдир.

Одатда пора олувчини қоралаш маъносида кўп гапирамиз-у, пора берувчи тўғрисида гапирмаймиз. Ҳолбуки, ушбу ҳадиси шарифда пора берувчи олдин зикр қилинмоқда. Чунки пора деб номланган иқтисодий, ахлоқий, ижтимоий жиноятни бошловчи пора берувчидир. Олувчи ва воситачилик қилувчининг ҳам гуноҳи бир хил.

Бу борадаги асослар Ўзбекистон Республикаси қонунларида ҳам ўз аксини топган. Хусусан, Жиноят кодексининг 210-212-моддаларида порахўрлик ва пора олиш-беришда воситачилик қилиш жамият учун ижтимоий хавфи юқори ва оғир оқибатларга олиб келувчи жиноятлар тоифасига киради. Ушбу жиноятлар жамиятнинг маънавий-ахлоқий негизига путур етказибгина қолмай, янги жиноий қилмишлар содир этилишига ҳам йўл очиб беради. Шу боис пора берганлик ва пора олиш-беришда воситачилик қилганлик учун жиноий жазоларнинг кучайтирилгани салбий ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Тарихга назар ташласак, соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар даврида жиноят ва жазо масалаларини ҳал этишда “Темур тузуклари” алоҳида ўрин эгаллаган. Тузукларда мулкни, хусусан, давлат мулкини ўзлаштирганлик учун жавобгарликни белгилашда ўзига хос ёндашув мавжуд бўлган.

Ўша даврда амалдорлар ишини тартибга солиш мақсадида вақти-вақти билан сўроқ, текшириш, тафтиш, тергов ўтказиб турилган. Ўз амалини суиистеъмол қилиш, порахўрлик, доимий равишда ичкилик ичиш, маиший бузуқлик каби қилмишлар оғир жиноят ҳисобланган ва қаттиқ жазоланган. Тарихий манбаларда келтирилишича, Амир Темурнинг ўғли Мироншоҳ, неваралари Пирмуҳаммад ва Халил Султонлар юқорида зикр этилган меъёрларни бузганлик учун халқ олдида жазога тортилган.

Коррупция олдини олиш, унга қарши курашишда қонуний қўлланиладиган ҳар қандай чора-тадбир фойдалидир. Жумладан, ҳуқуқий жиҳатдан коррупция туркимига кирувчи жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан жазо чораларини кучайтириш, ушбу жиноятларни содир этган шахсларнинг суд жараёнларини халқ орасида ошкора ўтказилиши, ОАВда кенг ёритилиши ўз самарасини беради, деб ўйлаймиз. Жиноят содир этилишига сабабчи бўлган шарт-шароитларни таҳлил қилиш, хулосалар чиқариш, тегишли чора-тадбирларни кўриш, бунда жамоатчиликни хабардор қилиш муҳим аҳамиятга эга. Коррупция туркумига кирувчи жиноятчиликни аниқлашда нафақат воситачилик қилган, балки ташкилотчи, ёрдамчи, ҳомийлик қилган ва йўл қўйиб берган шахслар ҳам аниқланиб, барчалари жавобгарликка тортилишини таъминлаш лозим деб хисоблаймиз. Шуни ҳам айтиб ўтиш кераккки, амалиётда аксарият ҳолларда пора олувчи уни қўллаб-қувватлаб турувчи, юқорида турувчи мансабдор шахслар манфаатини кўзлаб ҳам мунтазам пора олиш-бериш билан шуғулланиб келган бўлади, айримлари қўлга олиниб, асосий жиноятчилар эътибордан ташқарида қолиб, яна ўша қинғир ишларини давом эттиришаверади. Ана шу сабабларга кўра, коррупциявий қилмишлар давом этаверади. Бундай ҳолатларга чек қўйиш учун ҳар бир жиноятнинг илдизигача аниқлаш ва тегишли жазога тортиш талаб этилади.

Бутун дунё ҳамжамияти коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларини қўллаётган бугунги кунда, республикамиз халқини ҳам бу миллатдан бир неча таклифларни билдирмоқчимиз: Ҳар бир давлат органи идоралари, корхона, ташкилот, муассаса, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш жамиятида коррупцияга мойиллиги бор шахсларни аниқлаш борасида жамоатчилик кенгашлари ташкил этиб, қонуний йўллар билан уларни аниқлаб, жамиятни бундай унсурлардан тозалаш: Коррупция йўли орқали ноқонуний даромад билан яшаётган шахсларни аниқлаб, тегишли идораларга хабар бериш, таълим-тарбия беришда нопок йўллар билан яшаш ёмон иллат эканлигини улар онгига сингдириб бориш лозим бўлади.

**Зафариддин ТУРДИЕВ,**
**Умар МЕЛИЕВ,**
**А.Авлоний номидаги Халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти катта ўқитувчилари.**

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

# УЙИНГИЗДА ЧИРОҚ ЎЧДИ

## мазкур ҳолатга мутасаддилар қандай қарайди?

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида «Ҳудудий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти томонидан «Ўтган йилда истеъмолчиларни узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш борасидаги фаолият: эришилган натижалар ва истиқболдаги устувор вазифалар» мавзуида матбуот анжумани ўтказилди. Унда жамият раҳбарияти ва мутасаддилари, соҳа мутахассислари иштирок этди.**



— Бугун соҳадаги туб ўзгаришларга Президентимиз томонидан қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда, — дейди **«Ҳудудий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Улуғбек Мустафоев.** — Хусусан, Президентимизнинг 2019 йил 27 мартдаги «Ўзбекистон Республикасида электр энергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, электр энергияни якуний истеъмолчиларга тақсимловчи ҳамда сотувчи ҳудудий электр тармоқлари корхоналарини бошқаришни амалга оширувчи «Ҳудудий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти ташкил этилди. Мазкур жамиятимиз таркибига 16 та корхона киритилган бўлиб, шундан 0,4-6-10-35-110 кВ кучланишли электр тармоқларини эксплуатация, шунингдек, ушбу объектларнинг ривожланиши доирасида янги қурилиш, реконструкция, модернизация, капитал ва жорий таъмирлаш ишларини амалга оширувчи 14 та ҳудудий электр тармоғидан иборат. Бундан ташқари, бугунги кунда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган Давлат дастурлари асосида мамлакатимиз бўйлаб электр тармоқлари ҳамда трансформатор пунктларини таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда.

**Президентимизнинг 2016 йил 23 ноябрдаги «2017-2021 йилларда паст кучланишли электр тармоқларини модернизация ва янги қуриш дастури тўғрисида»**ги қарори асосида ўтган йилда 7289,1 километр узунликдаги электр тармоқлари ҳамда 2701 та трансформатор пункти модернизация ва реконструкция қилинди. Биргина 2015 йил билан таққослаганда, 840,67 километр узунликдаги электр тармоқлари ҳамда 619 та трансформатор пункти модернизация ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилган эди.

Шу билан бирга, қишлоқ ҳудудлари инфратузилмасини яхшилаш мақсадида «Обод қишлоқ» дастури доирасида 2560 километр электр узатиш тармоқлари, 808 та трансформатор пункти янгидан қурилди. Қолаверса, 2865 километр узунликдаги электр узатиш тармоқлари ҳамда 1567 та трансформатор пункти мукаммал таъмирланди.

Бу борадаги ишлар «Обод маҳалла» дастури доирасида ҳам изчил давом эттирилмоқда. Ушбу дастур ижросини таъминлаш борасида 227 километр узунликда электр узатиш тармоқлари ва 108 та трансформатор пункти янгиланди. 188 километр электр узатиш тармоқлари ва 272 та трансформатор пункти эса мукаммал таъмирдан чиқарилди.

Электр ускуна ва тармоқларни янгилашда замонавий технологияларни қўллаш энг муҳим масалалардан биридир. Шу боис, таянчда ўрнатилган герметик трансформаторлар, изоляцияланган СИП симлардан фойдаланиш натижасида электр энергиясини узатишда тармоқдаги йўқотишлар ва инсон ҳаётига хавф солувчи омилларнинг олди олинмоқда. Натижада истеъмолчиларга электр энергияси барқарор етказиб берилмоқда.

Ушбу ишларни амалга ошириш туфайли республикамиз ҳудудларидаги 1,6 мингдан ортиқ маҳалла ва қишлоқдаги 1,7 миллион нафардан ортиқ аҳоли хонадони, шу жумладан, «Обод қишлоқ» дастури доирасида мукаммал таъмирлаш ишлари олиб борилиши натижасида 481 та қишлоқдаги 102 мингдан ортиқ, шунингдек, «Обод маҳалла» дастури доирасидаги ишлар эса 115 та маҳалладаги 23 мингдан ортиқ аҳоли хонадонида электр энергияси таъминоти тубдан яхшиланди.

Сир эмас, ислоҳотларнинг янги босқичида аҳоли, уларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг мутлақо янгича тизими ишга туширилди. Бунинг учун барча давлат ва жамоат ташкилотлари фуқаролардан ўзларига тааллуқли масалаларни қабул қилиш ва ўрганиш мақсадида «Ишонч телефонлари» ташкил этилди. Айни пайтда ушбу тизим орқали фуқароларнинг мурожаатлари, улар ортида турган муаммолари ўрганилиб, қаноатлантирилаётгани ўз самарасини бермоқда. Хусусан, «Ҳудудий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти томонидан жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушаётган мурожаатларга ўз вақтида ва сифатли жавоб қайтариш мақсадида «1154» қисқа рақамли «Call-centr» ишга туширилди. Ҳозирги кунда Тошкент шаҳри бўйича тест режимида фаолият бошлаган ушбу «Call-centr» қисқа фурсатларда бутун республика бўйлаб татбиқ этилиши кўзда тутилган.

Матбуот анжуманида соҳада ўтган йили амалга оширилган ишлар билан бир қаторда, жорий йилдаги асосий вазифалар ҳақида ҳам маълумот берилди. Хусусан, жорий йилда 9304,7 километр узунликдаги электр узатиш тармоқлари ва 3364 та трансформатор пунктларида модернизация ва янгилаш ишлари бажарилиши режалаштирилгани, маҳаллийлаштириш дастурига кўра, ўтган йилда электр тармоқлари корхоналари таркибида 4 та темир-бетон таянч ишлаб чиқариш заводлари ташкил этилиб, бу йил ушбу ишларни давом эттириш мақсадида қўшимча равишда соҳа учун зарур ускуналар ишлаб чиқарувчи яна 8 та корхона ишга туширилиши натижасида жойларда эскирган симёғочларни темир-бетон таянчларга алмаштириш ишларини жадаллаштириш имкони яратилиши таъкидланди.

**Тадбирда оммавий ахборот воситалари ходимларидан тушган аксарият саволлар электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими (АСКУЭ)ни жорий этиш ишларининг бориши ҳақида бўлди.**

Бошқарув раиси ушбу мавзуга ҳам алоҳида тўхталиб ўтиб, айни пайтга қадар мамлакатимизнинг 68 та туман ва шаҳарларида 3 миллиондан зиёд истеъмолчилар хонадонларига замонавий электр ҳисоблагичлар ўрнатилгани, 2020 йил якунигача бу кўрсаткични янада ошириш, яъни 7 миллион нафар истеъмолчи ушбу тизимга тўлиқ уланиши таъминланишини таъкидлади. Шунингдек, ушбу тизимнинг синов лойиҳасини амалга ошириш давомида истеъмолчилардан фойдаланилган электр энергияси учун ҳақ тўлаш даражаси 99 фоизгача ўсган. Бу эса келажакда истеъмолчи ва етказиб берувчи ўртасидаги ҳисоб-китоб тизими ортиқча муаммолардан холи бўлишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

**Журналистлар томонидан аҳоли орасида такрор-такрор чироқ ўчиши билан боғлиқ эътирозлар кўпайиб бораётгани, охир-оқибат қачон халқимиз узлуксиз элетр энергия билан таъминланиши мумкинлиги ҳақида берилган саволларга жамият бошқаруви раиси Улуғбек Мустафоев қуйидагича жавоб қайтарди:**

— Аҳолимиз кўпинча «нега сайлов кунлари ёки байрам кунлари чироқ ўчмайди, кейин яна ўча бошлайди?» деб эътироз билдиради, бу ҳақли савол. Мен ўзим ҳам қишлоқда яшаганман, аҳволдан бохабарман.

Айнан сайлов ва байрам кунлари бизда бир киловатт электр энергиясининг таннархи 9-10 центга чиқиб кетади. Чунки ўша кунлари тиғиз тартибда ишлаймиз ва вазиятдан чиқиш учун мазут ёқамиз. Аммо биз ҳар доим ҳам мазут ёқа олмаймиз, мазут ҳам танқис маҳсулот, ҳам жуда қимматга тушади. Шу кунлари таннарх 9-10 центга чиққанда ҳам аҳоли учун нарх ўзгармайди – 295 сўм, бу 3 цент атрофида дегани. Қилаётган барча ҳаракатларимиз аҳолимизни узлуксиз элект энергия билан таъминлашга қаратилгандир. Яқин йиллар давомида бунинг натижасини кўрамиз.

Анжуман сўнгида жамият томонидан ўтган йилда соҳани ислоҳ этиш борасида амалга оширилган ишлар жорий йилда ҳам давом этиши, аҳолини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш ишларини янги босқичга олиб чиқиши таъкидланди.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

БИЛАСИЗМИ?

## БАРЧА ФУҚАРОЛАР

***меҳнат муносабатларида тенг ҳуқуқ ва имкониятга эга***

Ходимларнинг ишчанлик қобилияти ва меҳнатининг натижаларига алоқадор бўлмаган (жинси, ёши, ирқи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкий ҳолати ва мансаб мавқеи, динга бўлган муносабати, эътиқоди, жамоат бирлашмаларига мансублиги ва ҳ.к.) жиҳатларига қараб ҳар қандай чеклашларга ёки имтиёзлар белгилашга **йўл қўйилмайди ва булар камситиш деб ҳисобланади.**

Меҳнатнинг муайян турига хос бўлган талаблар ёки ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар (аёллар, вояга етмаганлар, ногиронлиги бўлган шахслар ва б.) ғамхўрлиги билан боғлиқ фарқлаш камситиш деб ҳисобланмайди.

Агар меҳнат соҳасида ўзингизни камситилган деб ҳисобласангиз:

— Меҳнат вазирлиги ва унинг ҳудудий органларига (71 200 06 00);

— прокуратура органларига (1007);

— адлия органларига (1008);

— суд органларига (71 239 02 74);

— касаба уюшмаларига (71 252 21 18) мурожаат қилишингиз мумкин.

## КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАРГА

***бола парвариши учун нафақа қуйидаги тартибда ажратилади***



Қуйидагилар 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа, бола икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича **нафақа ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам олишда устунлик ҳуқуқига эга:**

— ота-онасининг иккисини ҳам йўқотган, болалар тарбияси билан эса қариндошлар шуғулланаётган оилалар;

— ота-оналардан бири ёки ҳар иккиси ҳам ногиронлиги бўлган шахс бўлган оилалар;

— 14 ёшгача бўлган икки ва ундан ортиқ болаларни тарбиялаётган, бошқа қариндошлардан алоҳида яшаётган бева аёллар (бева эрлар);

— ногиронлиги бўлган боласи бор оилалар;

— болани тўлиқ бўлмаган оилада тарбиялаётган оналар (оталар);

— ота-оналардан бири ёки ҳар иккиси ишсиз бўлган ва иш изловчи сифатида бандликка кўмаклашиш марказларида ҳисобда турган оилалар;

## МАСТ ҲОЛДА

***транспорт воситасини бошқариш жарима солишга сабаб бўлади***

Ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини маст ҳолда бошқариши **транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан бир йилу олти ойдан уч йилгача муддатга маҳрум қилиб, 5 млн. 575 минг сўм миқдорида жарима** солишга сабаб бўлади.



Худди шундай ҳуқуқбузарлик транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахс томонидан содир этилган бўлса, **8 млн 920 минг сўм миқдорида жарима солишга ёки ўн беш сутка муддатга маъмурий қамоққа** олишга сабаб бўлади.

Маст ҳолдаги шахсга транспорт воситасини бошқаришни топшириш транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан **икки йилдан уч йилгача муддатга маҳрум қилиб, 5 млн. 575 минг сўм миқдорида жарима** солишга сабаб бўлади.

## ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР

**соғлиқни сақлаш борасида қуйидаги ҳуқуқларга эга**

— белгиланадиган тартибда диспансер назоратида бўлиш ҳамда болалар ва ўсмирларнинг даволаш-профилактика муассасаларида даволаниш;

— санитария-гигиена таълими олиш, ўқиш ҳамда ўзларининг физиологик хусусиятлари ва соғлиғига мос шароитларда меҳнат қилиш;

— касбга яроқлилигини аниқлаш чоғида бюджет маблағлари ҳисобидан бепул тиббий маслаҳатлар олиш;



— соғлиқлари тўғрисида ўзлари учун қулай тарзда зарур ахборот олиш.

14 ёшдан ошган вояга етмаганлар маълумотларни билган ҳолда **тиббий аралашувга ихтиёрий равишда розилик бериш ёки уни рад этиш ҳуқуқига эга.**

**Адлия вазирлигининг телеграмдаги “Huquqiy axborot” канали.**

## Жиззах вилояти прокуратураси диққатига!

# ХЎРЛАНГАН ҚИЗ



**Ғаллаорол ва Бахмал туман ИИБ катта терговчилари А.Исроилов ва Р.Усановларнинг жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қароридан кейин у ўз жонига қасд қилди, лекин тирик қолди...**

**Таҳририятимизга Жиззах вилояти, Ғаллаорол тумани, Хонимқўрғон қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудининг Ғаллакор қишлоғида яшовчи 28 ёшли Холида Сулаймонова ва унинг ишончли вакили Тўрабой Жўрабоев шикоят хати билан мурожаат қилди. Унда келтирилишича, жинсий зўравонлик қурбони бўлган Холида Сулаймонованинг аризаси бўйича Ғаллаорол ва Бахмал туман ИИБ катта терговчилари А.Исроилов ва Р.Усановлар томонидан жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисида асоссиз қарор қабул қилинган...**

Холида Сулаймонова оиладаги етишмовчиликлар, отасининг касалмандлиги сабабли Тошкент-Термиз йўналишидаги Катта ўзбек трактининг Ғаллаорол туманидан ўтадиган ҳудудида, Ғаллакор қишлоғи рўпарасида жойлашган газ қуйиш шахобчаси олдидаги миллий ширинликлар савдо дўкончасида сотувчи бўлиб ишлаган. 2018 йилнинг 15 сентябрида тахминан соат 16:00 ларда газ қуйиш шахобчасига қизил рангли "Жигули"да бир йигитча келади. Газ қуйиб олгач, савдо дўконига кириб, Х.Сулаймоновадан машинасини ювиш учун челак сўрайди. Ўзини Абдулла деб таништирган йигит машинани ювиб бўлганидан кейин очқолганини айтиб, қиздан нон ва колбаса сотиб олади ҳамда шу ерда овқатланади. Вақт соат 18:00 га яқинлашиб қолгани учун қиз дўконини ёпади, йигит уни машинага ўтиришга, уйига ташлаб қўйишга таклиф этади. Кўнглида ҳеч қандай шубҳа бўлмаган қиз машинага ўтиради, ўзидан анча ёш боладан ёмонлик келишини хаёлига келтирмайди. Лекин йигитча қизнинг қаршилигига қарамай, кимсасиз дарахтзор томонга йўл солади ва "машина лойга ботиб қолди" деган баҳона билан уни тўхтатиб, ҳали турмушга чиқмаган, ўзидан 11 ёш катта бўлган Холиданинг номусига тегади...

Холида жон ҳолатда қаршилик кўрсатади. **"Мен йиғлаб, қиз боламан, мени шарманда қилма, деб ёлвордим" (Х.Сулаймонованинг аризасидан).** Лекин ўзини жиловлолмаган йигитчанинг кўзига ҳеч нарса кўринмайди, бу гапларга парво қилмайди. Қандай йўл билан бўлса мақсадига етишга ҳаракат қилади. **"Унинг гавдаси оғир бўлгани учун кучим етмади, лекин бақирдим. У мени оғзи-жағимга урди. Мен беҳуш бўлиб қолдим, кейин нима бўлганини эслаёлмай қолдим" (Х.Сулаймонованинг аризасидан).**

Қутуриб, пишқирган йигит ўзига келгач, нима бўлганини англаб, қўрқиб кетади. Холида Сулаймоновани авраб, ўзининг Абдувоҳид Маҳмудов эканини, 2001 йилда туғилганини, Лалмикор саноат касб-ҳунар коллежининг охирги курсида ўқишини, бўлган воқеани ҳеч кимга айтмасликни тайинлайди. Отаси Ғўбдин қишлоқ фуқаролар йиғини раиси бўлиб ишлашини, бу масалани 15 кун ичида ўзи ҳал қилишини айтиб, қизга телефон рақамларини беради. Шу билан бирга, уни яланғоч ҳолда телефонидан суратга олганини, агар гапига кўнмаса ёки бировга айтиб қўйса, интернетга қўйиб юбориш билан таҳдид қилиб, йўлда тушириб кетади. Уйига боргач, машинаси ўриндиқларидаги ғилофларни ечиб, ёқиб юборади ва ўрнига янгисини қўяди.

Холида уйига бир аҳволда кириб келади, онаси Заркумуш Сулаймоновага бўлган воқеани айтиб беради. Бу руҳий зарбадан онаси инсульт бўлиб қолади. Бу гапни касалманд отаси ва акасига билдиришмайди. Бу орада акаси Болбек йўл-транспорт ҳодисасига учраб, касалхонага тушади. Орадан 15 кун ўтади, бу ўртада қизнинг телефонига 26 марта Абдувоҳиддан уни тинчлантирувчи СМСлар келади. Шундан кейин Абдувоҳид Маҳмудов қизнинг қўнғироқларига жавоб бермай қўяди.

Холида Сулаймонова 2018 йилнинг 3 октябрида Ғаллаорол туман Ички ишлар бўлимига Абдувоҳид Маҳмудов деган шахс номусига текканлиги ҳақида ариза билан мурожаат қилади. Холида Сулаймоновага Жиззах вилоят суд-тиббий экспертизасидан ўтиш учун йўлланма берилади. Экспертизада ҳақиқатан ҳам қизнинг бокиралиги бузилгани, лекин орадан анча вақт ўтгани учун бу иш ким томонидан қилинганини аниқлашнинг имкони бўлмагани ҳақида расмий хулоса берилади. Туман ИИБ тергов гуруҳи катта терговчиси А.Исроилов ишни пайсалга солаверганидан кейин Холида Сулаймонова прокуратурага ариза билан мурожаат қилади. Шундан сўнг туман ИИБ жиноят қидирув бўлими ходими Зоҳид Мелибоев жабрланувчи иштирокида Абдувоҳид Маҳмудовни сўроқ қилади. Суриштирув давомида А.Маҳмудов ўз айбини тўла тан олади ва дастлабки тушунтириш хатини ёзиб беради.

Ўша пайтда А.Маҳмудов 18 ёшга тўлмагани учун туман ИИБ вояга етмаганлар билан ишлаш бўлими ходими Гулруҳ Болтаева кабинетда ўтирган жабрланувчини танимасдан, унинг амакиси, онасининг ёнида гап ўргатиб, "Қизнинг номусига зўрлаб тегинганингни бўйнингга олма, мен мажбурлаганим йўқ, деб туриб ол, бўлмаса ўн йилга қамалиб кетасан. Терговчи билан ўзим гаплашаман", дейди. Буни эшитган Зоҳид Мелибоев Гулруҳ Болтаевани уришиб беради ва Холидага тасалли бериб: "Унинг гапига парво қилма, Абдувоҳид айбига иқрор бўлиб турибди, ҳаммасини ёздириб олдим", дейди. Лекин 2018 йилнинг 31 октябрида туман ИИБ тергов гуруҳи катта терговчиси А.Исроилов Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 83-моддаси 2-бандига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш бўйича қарор чиқаради...

Энди Холида Сулаймонованинг ишончли вакили, 81 ёшли Тўрабой Жўрабоев ҳақида икки оғиз сўз. У асли шу ернинг одами, тақдир тақозоси билан Тошкентда ўқиб, бир қатор олий ўқув юртларида талабаларга сабоқ берган. 1989 йилда пенсияга чиққанидан кейин маҳалла фуқаролар йиғини раиси бўлиб ишлаган. Болалари уйли-жойли, ўзига тинч. Кексалик гаштини киндик қони тўкилган жойда ўтказиш учун Ғаллаоролга қайтиб келган. Лекин 81 ёшли отахон ҳали ҳам ғайратли – спорт билан мунтазам шуғулланади, адолатсизикка учраганларга қўлидан келганча юридик ёрдам, холис йўл-йўриқ кўрсатади, маслаҳат беради. Шунинг учун Ғаллаоролда уни ҳамма танийди.

Холида Сулаймонова ҳам оиласи ночорлиги ва адвокатга тўлайдиган маблағи бўлмагани учун Тўрабой буванинг ҳузурига кўмак сўраб боради. Т.Жўрабоев қизга раҳми келганидан унга ишончли вакил бўлишга розилик билдиради. Унинг мурожаатига асосан туман прокурори ўринбосари Ш.Шерқулов 2018 йилнинг 19 ноябрида ИИБ катта терговчиси А.Исроиловнинг жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш бўйича 2018 йил 31 октябрдаги қарорини бекор қилиб, қўшимча текширув ўтказишга юборади.

**Эътибор беринг, орадан 11 кун ўтиб, А.Исроилов ҳеч қандай текширув ўтказмасдан, яъни, 2018 йилнинг 30 ноябрь санаси билан яна жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ҳақида қарор чиқаради. Т.Жўрабоевнинг талаби билан Жиззах вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари Б.Саипов томонидан 2018 йилнинг 19 декабрида бу қарор ҳам бекор қилинади. Энг қизиғи, бу гал ҳам терговга қадар суриштирув ўтказиш яна А.Исроиловга юклатилади. Натижада аввалги қарор матни учинчи марта янгиланиб, иш ёпилади...**

Холида Сулаймонова 2019 йилнинг 2 февралида Абдувоҳид Маҳмудовни излаб Ғўбдин қишлоғига боради. Абдувоҳид кўчада уни учратиб, ҳар хил сўзлар билан ҳақоратлайди, бу ҳам етмагандай, ожиза қизга қўл кўтаради. Холида Сулаймонова бу ҳақда яна Ғаллаорол туман ИИБга ариза билан мурожаат қилади. **Ўз навбатида туман ИИБ томонидан 2019 йил 12 февраль санаси билан А.Маҳмудовга нисбатан жиноят иши қўзғатишни рад этиш ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақида қарор чиқарилади.**

2019 йилнинг 11 мартида Ғаллаорол туман маъмурий суди судьяси З.Нурматов томонидан ўтказилган суд мажлисида А.Маҳмудов жанжал пайтида жабрланувчи Холида Сулаймоновани шаъни ва қадр-қимматини камситадиган ҳар хил сўзлар билан ҳақоратлагани ҳамда уни уриб, тан жароҳати етказгани ишда тўпланган далиллар билан тўлиқ исботини топган. **Лекин суд-тиббий экспертизасининг 2019 йил 6 февралдаги хулосасига асосан "Соғлигининг бузилишига олиб келмаган енгил тан жароҳати" етказгани учун ҳуқуқбузарга энг кам иш ҳақининг икки баравар миқдорида жарима жазоси тайинланган...**

Бундай бедодликларга чидолмаган Холида Сулаймонова ўз жонига қасд қилади – сирка ичади. Бундан вақтида хабар топган акаси ва янгаси уни зудлик билан шифохонага олиб бориб, ошқозонини ювдиришади ва ҳаётини сақлаб қолишади.

Ушоқдеккина ожиза қизга нисбатан қилинаётган адолатсизликларни кўриб турган Тўрабой Жўрабоев Маржонбулоқ шаҳарча фуқаролар йиғини раисига унинг ҳудудида бўлган Ғўбдин қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Холида Сулаймонованинг номусига теккан боланинг отаси А.Тилавовнинг эгаллаб турган вазифасига лойиқ-нолойиқлигини кўриб чиқиш тўғрисида мурожаат қилади. 2019 йилнинг 10 мартида ана шу масала бўйича бўлиб ўтган йиғилишда сўзга чиққанлар томонидан қиз боланинг номусига тегиш ва зўрлаш каби шармандали ҳолатни ҳеч қандай баҳона билан оқлаб бўлмаслиги, энди А.Маҳмудов номусини топтаган қизни ўз никоҳига олиши лозимлиги ҳақида фикрлар билдирилади. **Ўз навбатида, А.Тилавов ўғли ўта уятли иш қилганини, фарзанди ҳам, ўзи ҳам бундан қаттиқ пушаймон эканини тан олади.**

Шундан кейин 2019 йил 28 мартда Ғўбдин қишлоқ фуқаролар йиғинида ўтказилган йиғилиш қарорига биноан А.Тилавов эгаллаб турган вазифасига нолойиқ деб топилади ва ишдан озод этилади. 2019 йил 4 мартда Хонимқўрғон қишлоқ фуқаролар йиғинида ўтказилган йиғилишда сўзга чиққанлар Холида Сулаймонованинг оиласини обрў-эътиборли хонадон сифатида яхши билишларини, қизнинг номусига тажовуз қилиниши бу оилага жуда қаттиқ таъсир қилгани, ота-онаси шунинг дардида касал бўлиб, ётиб қолгани ҳақида ҳамдардлик билан ўз фикрларини билдирган. Йиғилиш қарорига кўра, бу жиноят иши бўйича юқори ваколатли органларга мурожаат қилиш тавсия этилган.

– Эл-улус, жамоатчилик органлари вакиллари кўриб-билиб турган, қизнинг номусига теккан боланинг отаси фарзандининг қилмишидан пушаймон бўлиб, тан олган холис ҳақиқатни наҳотки ички ишлар идоралари масъул ходимлар кўрмаётган бўлса, – **дейди жабрланувчининг ишончли вакили Тўрабой Жўрабоев.** – Аниқ-тиниқ аён бўлиб турган жиноят иши ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан икки йилдан буён хаспўшлаб келинаётганидан кейин халқнинг уларга ишончи қоладими? Мен вилоят прокурорига бу ишни бошқа вилоятда кўриб чиқиш бўйича мурожаат қилган эдим. Ана шунда холислик таъминланган бўлар эди. Лекин мурожаатим инобатга олинмади, иш Бахмал тумани ИИБга юборилди.

**Натижада Бахмал туман ИИБ тергов гуруҳи катта терговчиси Р.Усанов томонидан 2019 йилнинг 30 июнида худди илгаригидай, Ғаллаорол туман ИИБ терговчиси А.Исроилов томонидан қабул қилинган қарорга эгизакдек ўхшаш, "Фуқаро Маҳмудов Абдувоҳид Абирқул ўғлининг ҳаракатларида жиноят аломатлари мавжуд бўлмаганлиги сабабли, ...жиноят иши қўзғатишдан рад этилсин" деган қарор чиқарилди...**

**Сабаб нима, асос нима?**

**Балки, қизнинг ўзи енгилтаклик қилгандир?**

**Хулосани шунга олиб боришмоқда шекилли?**

**Агар қизнинг ўзи енгилтаклик қилганида бунчалик изтироб билан ёрдам сўраб югуриб юрармиди? Иккинчидан, бола ҳам, отаси ҳам бу ҳолатни тан олаяптику!**

**Жиноят кодексининг 118-моддасида номусга тегишга – зўрлик ишлатиб, қўрқитиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб жинсий алоқа қилиш деб таъриф берилган ва бунга уч йилдан йигирма йилгача жиноий жазо белгиланган.** Ушбу жиноят иши бўйича таклиф этилган, Холида Сулаймоновани таниган, билган кишиларнинг кўрсатмасига, суд-тиббий экспертизаси хулосасига кўра, у илгари жинсий ҳаёт кечирмаган, оиладаги иқтисодий ночорлик ва қашшоқлик туфайли тирикчиликдан бошқа нарсани ўйламаган. **Ўз-ўзидан аён бўлиб турибдики, бу иш қуйидаги сабабларга кўра ҳам қайта кўриб чиқилиши керак:**

**Воқеа содир бўлганидан кейин орадан 17-18 кун ўтиб, жабрланувчига суд-тиббий экспертизаси тайинланишига ойдинлик киритилмаган.**

**А.Маҳмудовнинг жабрланувчи билан жинсий яқинликда бўлган куни аниқланмаган, воқеа содир бўлган автомашинадаги буюмлар жойига бориб кўздан кечирилмаган. А.Маҳмудовнинг нима учун машинанинг эски ғилофларини ёқиб юборгани сабаблари ўрганилмаган ва тегишли экспертиза тайинланмаган.**

**Зўрлаб номусга тегиш ҳолатида етказилган тан жароҳати ва бошқа белгилар жабрланувчи танасида қанча муддат сақланиши ҳақида мутахассис хулосалари олинмаган.**

**Туман ИИБ жиноят қидирув бўлими ходими Зоҳид Мелибоевнинг жабрланувчи иштирокида А.Маҳмудовдан олган дастлабки тушунтириш хати ишга қўшилмаган.**

**Жабрланувчи томонидан тақдим этилган, гумонланувчидан унинг телефонига келган 26 та СМС мулоқот ёзуви тергов-суриштирув ишига қўшилмаган. Аслида бу маълумотлар мазмунан ўрганилиб, уларга ҳуқуқий баҳо берилиши керак эди.**

**Ўша пайтда А.Маҳмудов вояга етмаган коллеж ўқувчиси бўлгани учун туман ИИБ вояга етмаганлар билан ишлаш бўлими ходими Г.Болтаеванинг унга ёздирган тушунтириш хати тергов ишига қўшилмаган ва ҳоказо...**

**Мазкур саволларга нафақат жабрланувчи Холида Сулаймонова ва унинг яқинлари балки кенг жамоатчилик ҳам жавоб олишни истайди.**

**Нуруллоҳ ДОСТОН,**
**"Ўзбекистон овози" мухбири.**

---

МЕРОСИМИЗНИ ЎРГАНАМИЗ

**Умрининг қарийб ўттиз олти йилини жангу жадал, суронли кунлар исканжасида ўтказган инсоннинг бир-биридан латиф, бир-биридан жозибали асарлар битиши кишида ҳам ҳавас, ҳам ҳайрат уйғотади.**

# ЖАВОҲИРГА ТЎЛА АСАР

"Ўн бир ёшимдан бери икки рамазон ҳайитини кетма-кет бир жойда ўтказган эмасман", – дейилади "Бобурнома"нинг "933 (1526-1527) йил воқеалари" бўлимида. Шу биргина жумла Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаётининг кўпгина жиҳатларини ифода этади. Бироқ саҳролардаги саргардонликлар ҳам, жангу жадаллардаги гоҳо омадли, гоҳо омадсиз лаҳзалар ҳам, ота юрти соғинчи маҳзун кўнглини "доғи ҳасрат"ларга чулғаган дамларда ҳам у қаламини қўлидан қўймайди. Мутолаа қилар эканмиз, "Бобурнома"да муаллифни бир қанча қиёфаларда кўрамиз. Масалан, ўзи бўлган ёки ҳукмдорлик қилган жойларни тасвирлар экан, у ўша ернинг географик жойлашуви, табиати, ҳавоси, ҳайвонот ва наботот олами тўғрисида батафсил тўхталиб ўтади. "Ҳиндустон мамлакати – ҳудуди кенг, аҳолиси кўп, ерлари серҳосил ўлкадир. Шарқи ва жануби, ҳатто ғарби ҳам уммонга туташиб кетган. Шимолида бир тоғ бор. Ҳиндикуш ва Кашмир тоғлари билан туташ. Шимолий-ғарбида Кобул, Ғазна ва Қандаҳор жойлашган", – дея Ҳиндистоннинг жойлашув ўрни чизилади. Бунда Бобурнинг географик қобиляти намоён бўлади.

"Бизнинг ўлкаларда тўрт фасл бор. Ҳиндустонда эса уч фасл бўлади: тўрт ойи ёз, тўрт ойи пашакаал (ёмғир мавсуми), тўрт ойи қиш, – дея мамлакатнинг табиати ва иқлимига тавсиф беради муаллиф. – Ҳар бир ой ҳилол кўринганида бошланади. Ҳар уч йилда бир ойни пашакаал ойларига қўшадилар. Яна уч йилдан кейин қиш ойларига қўшадилар. Яна йил ўткач, ёз ойларига бир ой қўшадилар. Уларнинг кабисаси шудир". Мазкур парча Мирзо Бобурнинг табиатшуносликдаги бетакрор билимидан бир томчи, холос. Чунончи, у бу истеъдодини Самарқанд, Андижон, Марғилон, Ахси, Кобул шаҳарлари тасвирида ҳам намойиш этади.

Бобур ўнлаб шоирлар ижоди тўғрисида маълумотлар бериш билан бирга, уларга ўзининг муносабатини ҳам билдириб ўтади. Баъзиларини таҳлил этади: "Яна, Биноий эди. Ҳиротликдир. Отаси Устод Муҳаммад Сабз банно (бинокор) бўлгани учун шундай тахаллус олган. Ғазалларида ранг ва кайфият бордир. Девон тартиб берган. Достонлари ҳам бор. Мевалар ҳақида бир достони бор, мутақориб баҳрида, самарасиз бир нарса ёзган, бекор қилган. Яна бир қисқа достони бор. Ҳафиф баҳрида..."

"Бобурнома"ни, ҳеч муболағасиз, Шарқнинг муҳим қомусномаси дея шарафласак бўлади. Унда ўн бешинчи – ўн олтинчи асрга оид Ўзбекистон (Ўрта Осиё), Афғонистон, Ҳиндистон тарихи, одамлари, уларнинг урф одат ва анъаналари, умуман маданияти, санъати, турмуш даражаси – ҳаёти, шаҳарлари, уларнинг табиати, ҳукмдорлари тўғрисида бебаҳо маълумотлар ўрин олган.

Жаҳон адабиётида шундай асарлар борки, улар ҳақидаги таърифу тавсифлар тўхтамайди. Улар бўйича юзлаб илмий ишлар қилинади, диссертациялар ёқланади. Ажабланарлиси шундаки, бу жараённинг адоғи бўлмайди. Олимлар бундай асарларнинг ичидан ҳеч кимнинг нигоҳи пайқамаган дуру гавҳарларни олиб ўрганаверадилар, бу ҳақда китоблар битаверадилар. Ишонч билан айта оламизки, "Бобурнома" ҳам биз ҳали пайқаб улгурмаган жавоҳирларга тўла асар. У жаҳон дуршунослари томонидан ҳали кўп ва хўп ўрганилади.

**Зебинисо ҲАЙДАРОВА,**
**Чилонзор туманидаги**
**195-мактаб ўқитувчиси.**

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қашқадарё вилоят кенгаши партия фаоли Гулчеҳра Шукуровага падари бузруквори

**Рауп ота**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

---

ЭЪЛОН

**«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ АХБОРОТИ**

«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ томонидан 2020 йил 23 январь куни ўтказилган очиқ аукцион савдоси натижаларига кўра, «ASAKA CAPITAL INVEST» МЧЖнинг «YANTEX INVEST» МЧЖ устав фондидаги 98,32 фоиз жамият улуши – 17 060 000 000 сўмга сотилганлиги ҳамда «TEMIR YO'L MAHSULOTINI SERTIFIKATLASHTIRISH MARKAZI» ДУК балансидаги д/р 01/614QBA бўлган «GAZ 3102» русумли автотранспорт воситаси ушбу ташкилотнинг 2020 йил 7 февралдаги MP-22-сонли хатига асосан аукцион савдоларидан олинганлиги маълум қилинади.

**ГУВОҲНОМА № 005357**

# «ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК» КРЕДИТЛАРИ

## янги корхона ва иш ўринлари

ПРЕСС – ТУР

**АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан тадбиркорлик субъектларининг истиқболли лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилган. Натижада ҳудудларда янги корхоналар ва иш ўринлари яратилмоқда. Сирдарё вилояти Сирдарё туманида ишга тушган «Ўзбекистон – Қозоғистон "ARIMEX» қўшма корхонаси бунга яна бир ёрқин мисолдир. Янги корхонада бир кунда 350 тонна буғдой қайта ишланиб, «Эъзоз» бренди билан бир неча навдаги ун ишлаб чиқарилмоқда. Маҳсулотнинг 20 фоизи экспортга, 80 фоизи ички бозорга етказиб берилаяпти.**



Банк томонидан ташкил этилган пресс-тур иштирокчилари мазкур қўшма корхона фаолияти билан танишдилар.

— Лойиҳамизнинг умумий қиймати 5 миллион АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 2,3 миллиони «Қишлоқ қурилиш банк»нинг кредити ҳисобидан қопланди, — дейди **корхона директори Нодир Пирмуҳаммедов** — Кунига қайта ишланган Қозоғистон буғдойидан 260 тонна ун ва 70 тонна кепак оляпмиз. Лойиҳамиз Сирдарё тумани СИЗ ҳудудидаги 5 гектар майдонда амалга оширилгани боис маҳсулотларимизни ички ва ташқи бозорга етказиш учун ҳам жуда қулайдир. Шунингдек, 70 янги иш ўрни ҳам яратилди.

«Қишлоқ қурилиш банк» Тошкент шаҳар минтақавий филиали Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш маркази раҳбари Раҳматилла Фозиловнинг таъкидлашича, банк мазкур корхонадан ташқари яна йигирмата йирик лойиҳани молиявий қўллаб-қувватламоқда. Бунинг учун 20 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит йўналтирилган. Жорий йил биринчи чораги якунида яна иккита янги ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўйиш режалаштирилган.

**Алишер РЎЗИЕВ**

*Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишда, ижтимоий кўмакка муҳтож кишиларни қўллаб-қувватлашда, соғлом турмуш тарзи ғояларини тарғиб қилишда жамоат фондининг ўзига хос ўрни бор.*







# «МЕҲР-ШАФҚАТ ВА САЛОМАТЛИК» ЖАМОАТ ФОНДИ

## сарҳисоб ва янги режалар

**2017-2021-йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегиясида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш соҳасида янгиликларни тезкорлик билан ҳаётга жорий қилиш билан боғлиқ долзарб масалалар белгиланган. Бу жараёнда нодавлат-нотижорат ташкилотлар, жамоат фондлари ҳам фаол қатнашмоқда. “Меҳр-шафқат ва саломатлик” жамоат фонди бу йўналишда мамлакатимиздаги етакчилардан бири ҳисобланади.**

**Асрол МИРЗААҲМЕДОВ,**
**“Меҳр-шафқат ва саломатлик” жамоат фонди бошқаруви раиси:**

— Бугунги кунда Президентимизнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси барча давлат ташкилотлари, нодавлат муассасалар, таълим даргоҳларида қизғин муҳокама этилиб, унда кўтарилган долзарб масалалар ижроси бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Мурожаатномада кўтарилган ҳар бир масала бугунги куннинг ҳақиқатини, халқимиз олдида турган энг катта муаммоларни ва уларни бартараф этиш бўйича аниқ чораларни қамраб олган. Айниқса, давлатимиз раҳбари халқнинг 12-15 фоизи бугун кам таъминланганлар қаторида эканлигини айтди ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш билан бирга, камбағалликни камайтириш учун шароит яратиш зарурлиги ҳақидаги фикри кўпчиликни тўлқинлантириб юборди. Ўйлайманки, бу масалалар бўйича фондимиз ҳам ўзига тегишли вазифаларни белгилаб олади.

Жамоат фонди ҳисобот даврида ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ўзининг ижтимоий ҳамкори сифатида Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий Мажлис хузуридаги Нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди, “Ўзбекистон овози” ва “Голос Узбекистана” газеталари, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ва бошқа бир қанча давлат, жамоат ташкилотлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келди.

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида жамоат ташкилотларининг иштироки тобора кенгайиб бормоқда. Буни фонд томонидан ҳисобот даврида олиб борилган ишлар ҳам кўрсатиб турибди. Хусусан, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишда, ижтимоий кўмакка муҳтож кишиларни қўллаб-қувватлашда, соғлом турмуш тарзи ғояларини тарғиб қилишда жамоат фондининг ҳам ўзига хос ўрни бор.

Фонд бир неча йўналишда маблағларни сарфламоқда. Мисол учун, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш, муҳтожларга кўмаклашиш, уларнинг саломатликларини тиклаши учун ёрдам бериш ҳамда жамиятда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш шулар жумласидандир. Агар рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, ҳисобот даврида фонднинг жами харажатлари **2,219.227,185** сўмни, хайр-эҳсон, ҳомийлик харажатлари **2,049,673,993** сўмни ташкил этиб, жамоат фондининг ҳисобот давридаги хайр-эҳсон, ҳомийлик харажатлари жами харажатларга нисбатан 92,4 фоизни, хўжалик харажатлари 7,6 фоизни ташкил этди.

**Малика ХЎЖАЕВА,**
**“Меҳр-шафқат ва саломатлик” жамоат фонди васийлик кенгаши аъзоси, тиббиёт фанлари доктори, профессор:**

— Бугун соғлиқни сақлаш тизими олдида турган муаммоларни ҳал қилиш, халқимизга сифатли тиббий хизматни ташкил этишда жамоат фондларининг ҳам ўз ўрни бор. Шу боис Соғлиқни сақлаш вазирлиги “Меҳр-шафқат ва саломатлик” жамоат фонди билан доимий ҳамкорлик қилиб келади. Айниқса, фуқароларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш, касалликка чалинган беморлар учун малакали шифокорлар маслаҳати ва даволаш ишларини уюштириш, ногиронларни протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари, тиббиёт муассасаларини тиббий анжомлар билан таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтожларга озиқ-овқат ва дори-дармонлар етказиб бериш масаласида жуда катта кўмак кўрсатилмоқда. Шунинг билан бирга, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш олдимизда турган устувор вазифа бўлиши керак.

Ютуқлар бор, бироқ камчиликлар ҳам оз эмас. Энди фонд фаолиятига янада замонавий ёндашувларни жорий қилиш, фонд вилоят ваколатхоналарини ишини тубдан такомиллаштириш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун шароит ва имконият яратиб бериш муҳим аҳамиятга эга.

**Фаррух ҲАМРОЕВ,**
**“Меҳр-шафқат ва саломатлик” жамоат фонди васийлик кенгаши аъзоси:**

— Нодавлат нотижорат ташкилот учун энг муҳим йўналишлардан бири – бу фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашдир. Бу масала фонд фаолларининг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Президентнинг Халқ қабулхоналари, виртуал қабулхоналарга, сайёр қабулларда ҳамда жамоат фондига мурожаат этаётган фуқароларнинг муаммоларини ҳал этиш ҳамда аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, кам таъминланган, меҳнатга лаёқати чекланган фуқароларни қўллаб-қувватлаш учун доимий маблағлар ажратилиб келинмоқда. Хусусан, академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий хирургия марказида 27 беморни жарроҳлик амалиёти орқали даволашга **525,400,128** сўм, Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий марказида 22 беморни жарроҳлик амалиёти орқали даволашга **245,000,000** сўм, Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия марказида 18 нафар беморга эндопротез қўйиш ва жарроҳлик амалиёти орқали даволашга **332,255,700** сўм, Республикамизнинг ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация, Онкология ва радиология, Нейрохирургия, Кўз микрожарроҳлиги, Нефрология ва буйрак трансплантацияси, Эндокринология илмий-амалий тиббиёт Марказларида, Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳамда Тошкент тиббиёт Академиясининг кўп тармоқли клиникаларида 83 нафар беморни даволаш билан боғлиқ бўлган харажатларга **151,851,618** сўм маблағ йўналтирилди. Эътиборлиси, барча ариза ва мурожаатлар белгиланган муддатларда кўриб чиқилиб, ҳал этилди.

Йиғилиш давомида фонднинг вилоят ваколатхоналари фаолияти ҳам танқидий таҳлил этилди.

**Табассум РЎЗИМЕТОВА,**
**“Меҳр-шафқат ва саломатлик” жамоат фонди Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий муассасаси раиси:**

— Жамоат фондининг Қорақалпоғистон Республикаси худудий муассасаси ҳисоб рақамига 2019 йил давомида **225.000,000** сўм маблағ ҳомий ташкилотлар томонидан келиб тушган. Ҳисобот даврида Давлат дастури ҳамда иш режа асосида кам таъминланган, ногирон, ижтимоий ёрдамга муҳтож, соғлиғини тиклаш учун мурожаат қилган фуқароларни моддий қўллаб-қувватлаш учун, малакали тиббий мутахассис маслаҳатини олишда, даволанишда зарур дори-дармон ва тиббий анжомлар билан таъминлашга йил давомида – **92,000,000** сўм маблағ сарфладик. Аммо бу етарли эмас, ҳали қанча инсонлар бизнинг кўмагимизни кутиб турган бўлиши мумкин. Шунинг учун бу йўналишдаги ишларимизни янада ривожлантиришимиз талаб этилади.

Йиғилишда барча йўналишдаги ишлар танқидий таҳлил қилинди. Камчиликлар очиқ айтилиб, уни ечиш йўллари муҳокама қилинди. Тадбир якунида тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Шуҳрат ИСЛОМОВ,**
**“Ўзбекистон овози” мухбири.**

**МТМЛАР ФАОЛИЯТИДАН**

# ЗАМОНАВИЙ МУАССАСАДА КЕЛАЖАК ТАРБИЯСИ

Бола эсини таниганидан нимагадир интилувчан бўлади. Шундай кезларда ота-она ҳушёрроқ бўлса, боланинг қўлига китоб-дафтар, қалам тутқазиб кўникма ҳосил қилдирса, албатта у илмга интилади. Бора-бора дунёни билишга, кўпроқ нарсани англашга интилади. Мактабга чиқиш босқичига қадар бироз бўлса-да, билим тўпланмас, боланинг фикрлаш қобилияти очилмас экан, даъфатан мактабга борганида нима қилаётганини англамай қийналади. Ўзлаштира олмаётган болани ҳа деб тергайверсангиз, китоб-дафтардан безади. Умуман мактаб, ундан кейинги таълим жараёнларида ҳам ёшликда берилган сабоқ ва тарбия муҳим ҳисобланади. Шу боис доно халқимиз “Ёшликда олинган билим, тошга ўйилган нақш кабидир”, деб бежиз айтишмаган.





Шу сабабдан, Ўзбекистоннинг эртанги келажаги бўлмиш жажжи фарзандларимизнинг бекаму кўст ривожланиши, ўсиб улғайишида мактабгача таълим муассасаларининг ўрни ниҳоятда катта. Давлатимиз раҳбарининг 2020-йил Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида таъкидланишича, Мактабгача таълимни ривожлантириш борасида бошланган ислоҳотлар натижасида ўтган йили 5 минг 722 давлат, хусусий, оилавий болалар боғчалари ташкил этилган. Болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси бир йил давомида 38 фоиздан 52 фоизга кўтарилган. Шулар қаторида, 2019 йил Юнусобод туманида 43-, 53-, 99- ва 500 – сонли 4 мактабгача таълим муассасаси давлат инвестиция дастурига киритилган. Бугунги кунга келиб, улар орасидан 43- ва 500-сонли мактабгача таълим муассасалари қайта қурилиб, реконструкция қилинди ва фойдаланишга топширилди. Биз мазкур муассасалардан бири – «Истиқлол ғунчалари» номли 500-сонли МТМ га ташриф буюрдик. Ташкилот ҳовлиси кенг, тоза-озода бўлиб, болалар учун боғ, ҳавуз, футбол майдончаси қурилган. Замон талабига жавоб берадиган муассаса бир пайтлар ночор аҳволда эди. Энди хоналар капитал таъмирланган, иситиш тизимига эга. Болалар ётиб дам олиш учун янги анжомлар билан жиҳозланган. Бундан ташқари, таълим олиш учун махсус стол-стул, турли хил ўйинчоқлар ва рангли расмлар замонавий ва сифатли кўринишда. Болаларнинг фаол иштироки сабаб дарс жараёнлари қизғин тарзда ўтади. Бунда малакали тарбиячиларнинг тажрибалари албатта катта ўрин тутади.

Мазкур мактабгача таълим муассаси давлат инвестиция дастурига киритилган бўлиб, 2019 йил 1-апрелдан реконструкция ишлари бошланди. Беш ярим ой давомида таъмирлаш ишлари давом этди. Ўтган йил 16-сентабрда фойдаланишга топширилди. Ҳар томонлама қулай, замон талабларига жавоб берадиган анжомлар билан жиҳозланди 390 ўринли ушбу даргоҳ 11 гуруҳдан иборат. Ташкилотда психолог, дефиктолог, мусиқашунос, жисмоний тарбия йўриқчиси, тил ўқитувчилари болаларга таълим-тарбия беради, уларни мактабга тайёрлайди.

– Муассасамизда ота-оналарнинг таклифи ва илтимосларига, болаларнинг қизиқишларига қараб инглиз тили, рус тили, рақс, менталний арифметика, билимдон тўгаракларини ташкил қилганмиз. Ҳозир ташкилотимизда 12 нафар тарбиячи бўлиб, 6 нафари олий таълимга йўналтирилган. Улар Тошкент давлат педагогика университетининг сиртқи бўлимида таълим олишмоқда. Ҳар кунлик таълим-тарбия ишларидан ташқари Юнусобод тумани мактабгача таълим бўлими рухсати билан вақти-вақти билан, режа асосида цирк, театрларга ташриф буюришади. Муассасада болалар уч маҳал овқатлантирилади. Ташкилот ошпазлари ҳам малакали. – дейди МТМ мудираси Маъсуда Мирзаева, биз билан суҳбатда.

**Оламгир АБДИЕВ,**
**Ўз ЖОКУ талабаси.**


**РЕКЛАМА**






O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Ulug'bek INOYATOV
Ulug'bek VAFOYEV
Mahmud TOIR
Qalandar ABDURAHMONOV
Guliston ANNAQILICHEVA
Muslihiddin MUHIDDINOV
Shuhrat JALILOV
Hayotxon ORTIQBOYEVA
Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Qabulxona — (71)233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — (71)233-12-56
Reklama va e`lonlar uchun — (71)233-47-80, (71)233-38-55
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000,Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba kuni chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 251. 2287 nusxada bosildi.
Nashr ko`rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 23:30.
Topshirilgan vaqti — 02:40.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Bardambek SA`DULLAYEV
Sahifalovchi-dasturchi: Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

Газетанинг электрон саҳифасига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 3 4 5 6